Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

22-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 37 (5386).

21 ФЕВРАЛЬ ЖУМА

1975 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ЖАНГОВАР АНЪАНАЛАРГА САДОҚАТ

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЗАБАЙКАЛЬЕ ҲАРБИЙ ОКРУГИНИНГ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ, КУТУЗОВ ОРДЕНЛИ ВА БОГДАН ХМЕЛЬНИЦКИЙ ОРДЕНЛИ ГВАРДИЯЧИ МОТО-ЎҚЧИ ПОРТ-АРТУР ПОЛКИНИНГ ШАХСИЙ СОСТАВИГА

Қадрли ўртоқлар!

Сизнинг самимий мактубингиздан ғоят хурсанд бўлдим. Бу мактуб менга шонли Забайкалье ҳарбий округида ҳарбий хизмат вақтидаги унутилмас кунларни эслатди. Ўшандан бери орадан анчагина йиллар ўтди. Мамлакатимизнинг иқтисодий ва маънавий қиёфаси таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетди. Ленин партияси раҳбарлигида совет халқи коммунизм қурилиши ишида ғоят юксакликка кўтарилди. Улуғ Ватан урушининг шиддатли йилларида асло унут бўлмас шоншуҳрат қозонган шавкатли Қуролли кучларимиз ҳам қуролланишда ва жанговар маҳоратда ғоят олдинлаб кетдилар.

Мана ўттиз йилдирки, совет кишилари тинчлик шароитларида яшаб меҳнат қилмоқдалар. Кейинги йилларда халқаро ҳаётда юз берган катта ижобий ўзгаришлар ер юзидаги барча халқларнинг орзу-умид ва ўйларига мос келади. Биз мана шу ижобий жараён муқаррар тус олишига эришиш учун астойдил ахд қилганмиз.

Шу билан бирга тарих ва воқелик бизни реакция ва агрессия кучлари жаҳонда вазиятнинг соғломланишига қаршилик кўрсатишга интилаётганлигини, қуролланиш пойгаси снёсатини давом эттириб келаётганлигини, халқаро майдонда кескинлик ўчоқларини вужудга келтираётганлигини бирор дақиқа ҳам унутмасликка ўргатмоқда. Шунинг учун ҳам Қуролли кучларимиз бугун ҳам ҳушёр бўлиб туришлари, ҳамиша жанговар тайёр ҳолда бўлишлари зарур.

Гвардиячи ўртоқлар, барча совет жангчилари сингари сизлар ҳам бундан буён ҳам кучғайратингизни аямасдан биринчи даражали техникани ҳалоллик билан ва астойдил ўрганасиз, Ватан учун олиб борилган жангларда вужудга келган ғолиблик фанини ўзлаштирасиз, ўзингизда ғоявий бардамлик, мардлик ва жасоратни тарбиялайсиз, деб ишонаман. Ана шу вазифаларни бажаришда Улуғ Ватан урушининг тажрибаси, совет Қуролли кучларининг шонли жанговар анъаналари бебаҳо аҳамиятга эгадир. Армия билан флотнинг бошқа қисмлари ва кемаларининг жанговар мукофотлари каби полкингизнинг жанговар мукофотлари ҳам қаҳрамонона жасорати ватанга, ўз халқига садоқат билан хизмат қилишнинг ёрқин намунаси бўлиб қолган совет жангчилари — фронтчилар қаҳрамонлигининг мангу рамзидир.

Сизлар эришган ютуқлар — гвардиячи полк шахсий состави ота ва боболарининг жанговар анъаналарини муносиб равишда давом эттираётганлигининг ёрқин далилидир. Полкнинг жанговар тайёрлигини янада ошириш, қуролларни ҳамда ҳарбий техникани жуда яхши билиб олиш ва авайлаб сақлаш, бу қуроллар ва ҳарбий техникадан жанговар шароитларда самарали қўлланиш учун умумармия социалистик мусобақасини авж олдириб юориш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббуси — КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига муносиб жавобдир. Сизнинг чақиришингиз Қуролли кучлар шахсий состави ўртасида қизғин маъқулланиб, якдиллик билан қўллаб-қувватланаётганлиги кишини ғоят мамнун қилади. Бу шуни яна бир бор тасдиқлайдики, совет халқига, Коммунистик партияга чексиз садоқат, ҳарбий бурчни адо этишдаги фидокорлик советлар мамлакати жангчисининг маънавий қиёфасига хос бўлган фазилатлардир.

Полкингизга, шонли Қуролли кучларимизнинг барча жангчиларига Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 30 йиллигини жанговар ва снёсий тайёргарликда, социалистик ватаннинг мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашда янги-янги муваффақиятлар билан кутиб олишларини тилайман.

Коммунистик салом билан

Л. БРЕЖНЕВ.

ЖАСОРАТГА МУНОСИБ БЎЛАЙЛИК

Ленин орденли Забайкалье ҳарбий округининг жанговар тайёргарлиги янада ошириш учун умумармия социалистик мусобақасини бошлаш тўғрисидаги ташаббус билан чиққан Қизил Байроқ орденли, Кутузов орденли ва Богдан Хмельницкий орденли гвардиячи мото-ўқчи Порт-Артур полки шахсий состави КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга мактуб билан мурожаат қилди. Забайкалчи жангчилар урушнинг шиддатли йилларида бир неча юзлаб киши жанговар жасорат кўрсатган, шулардан еттитаси Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлган полкдош фронтчиларнинг шонли анъаналарини муқаддас сақлаб, кўпайтираётганликларини маълум қиладилар.

Совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасининг 30 йиллигига тайёргарлик кўрилаётган кунларда полкда қаҳрамон полкдошларнинг номи билан аталадиган экипаж, бўлинма, расчёт ҳуқуқини қўлга киритиш, Ватан учун жангларда қаҳрамонона ҳалок бўлган кишиларнинг жанговар машиналарини юргизиш ва улар ўрнига ўқ узиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун кураш авж олиб кетди. Полк шахсий состави хизматда ва ўқишда ўзининг куч-ғайратини кўпайтирмоқда, жанговар-машқ вазифалари ва нормативларни аъло даражада бажариш, техника ва қуролларни самарали қўлланиш, ана шу техника ва қуролларни намунали сақлаш юзасидан ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажармоқдалар. Коммунистлар билан комсомоллар ҳамиша бўлиб келганидек, жанговар коллективнинг жиндаштирувчи кучи бўлиб келмоқда.

Гвардиячилар КПСС Марказий Комитетини ишонтириб айтадиларки, барча совет жангчилари сингари улар ҳам партия томонидан Қуролли кучлар олдига қўйилган муҳим ва масъулиятли вазифаларни бундан кейин ҳам намунали бажарадилар, қаҳрамонларнинг жанговар анъаналарини авайлаб сақлайдилар ва ривожлантирадилар, социалистик давлатимизнинг чегараларини астойдил муҳофаза қилиш йўлидаги жасоратга муносиб бўладилар.

ҲАЁТИМИЗ ГУЛЛАРИ

ЧИНОЗ РАЙОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Муқимий номли музикали драма театри бугун Чиноз райони хотин-қизлари билан гавжум. Театр фойесида ташкил қилинган фото кўргазмалар район пахтакорлари, чорвадорлари, зиёкорлари ҳаётидан ҳикоя қилади.

Меҳнатда илғор аёллар районда оз эмас. Улар йил сайин пахтачилик ва чорвачиликни ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1975 йилни Халқаро хотин-қизлар йили деб эълон қилган. Хотин-қизлар бу йилда яна ҳам баландроқ марраларни эгаллаш учун ҳозирданоқ социалистик мусобақани қулоч ёйдирмоқдалар.

— Ўтган хўжалик йилида районимиз халқ хўжалиги тармоқларида салкам 8 минг хотин-қиз фидокорона меҳнат қилди,— деди конференцияда доклад қилган Чиноз район партия комитети секретари Мамлакат Раҳимжонова.— Турсуной Охунова, Парпи Камолова каби донгдорлар бошлиқ бригада аъзолари ўтган йилда айниқса баракали ишладилар. Машҳур механизатор Турсуной Охунова бошлиқ бригада аъзолари 85 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 56 центнердан ҳосил кўтариб, рекорд кўрсаткичга эришдилар. Бригада бошлиғининг ўзи шахсий намуна кўрсатиб, «зангори кема» бункеридан 385 тонна «оқ олтин» тўкди.

Парпи Камолова кўп йиллардан бери «Қизил Октябрь» колхозида бригада бошлиғи. У раҳбарлик қилаётган коллектив ўтган йили 60 гектар майдонда деҳқончилик қилиб 48 центнердан ҳосил кўтарди. Аёллар бошчилик қилган бошқа участкаларда ҳам ҳосилдорлик 35—40 центнердан кам бўлмади. Умуман, хотин-қизлар бригаларида 1974 йилда 1754 тонна «оқ олтин» етиштирилди.

Район хотин-қизлари халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам фидокорона меҳнат қилмоқдалар. 487 хотин-қиз эл саломатлигининг посбонидир. Улардан 9 киши область, район, қишлоқ, посёлка ва шаҳар советларининг депутатлигига сайланган. 29 киши орден ва медаллар билан мукофотланган. Улар орасида Машкура Одилхонова, Клара Абдуғаффорова, Гуля Абдураҳмонова каби эл посбонлари бор.

Мактабгача ва мактаб ёшидаги ўғил-қизларни тарбиялашда ҳам аёллар жонбозлик кўрсатмоқдалар. Ҳозир 651 хотин-қиз ёш авлодга таълим-тарбия беряпти. О. Полвонова, М. Абдусаматова, М. Илҳомова каби ўқитувчилар ўз синфларида 100 процент ўзлаштиришга эришмоқдалар.

Район хотин-қизларининг вакиллари бирин-кетин конференция минбарига чиқиб ўз ишлари, ҳамкасблари, дугоналари ҳақида ҳикоя қилдилар. Район хотин-қизлар совети раиси Хайри Соатова ташкилотчи аёллар ҳақида сўзлади. Ҳозир район бўйича 103 та хотин-қизлар совети ишлаб турибди. 8 мингдан зиёд аёл бу советларга аъзодир.

Конференция қатнашчилари «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми сут соғувчиси Е. Шереметьева сўзини самимий қарши олдилар.

— Мен ўтган йили ўз қарамоғимдаги соғин сигирларнинг ҳар биридан мажбуриятдаги 5 минг килограмм ўрнига 5159 килограммдан сут соғиб олдим,— деди у.— Бошқа дугоналарим ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қилишди. Совхоз бўйича ўтган йили ҳар бир соғин сигирдан ўрта ҳисобда 4165 килограммдан сут соғиб олинди. Бу планда белгиланганидан 315 килограмм кўпдир. Давлатга пландан ташқари салкам 420 тонна сут етказиб берилди.

Моҳир сут соғувчи бу йил янада юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқда. У ҳар бир соғин сигиридан 6 минг килограммга етказиб сут соғиб олишга сўз берган.

Сўзга чиққан Марҳамат Мамарасулова аёлларнинг оналик бурчи тўғрисида гапирди.

— Мен қаҳрамон онаман,— деди у.— Бу билан фахрланаман. Фарзандларим совет замонасига муносиб кишилар бўлиб етишмоқдалар. Катта қизим Арофат — ўқитувчи. Раъно ҳам унинг изидан борди. Ҳозир Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтида ўқиб, 35-мактабда ўқитувчилик қилмоқда. Мавлуда эса шифокор. Олимжон — бўлажак музикачи. Бошқа фарзандларим ҳам ўқиб, ўрганиб ўзларига яраша касбларнинг бошини тутмоқдалар. Армия хизматидан қайтган тўрт ўғлим халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилмоқда. Бунинг учун мен фарзандларимга мураббийлик қилаётган яхши одамлардан беҳад миннатдорман.

Районда мураббийлар оз эмас. Улар таълимини олган ёшлар ҳар жабҳада илғорликни қўлдан бермай келмоқдалар. Устозлар ёрдами билан Фарида Сайдаминова Охунбоев номли колхознинг илғор механизатори бўлиб олди. У меҳнат қилаётган хўжалик ўтган йили 40 центнердан ҳосил кутариб, беш йиллик планини бажарди. 700 дан ортиқ хотин-қиз бевосита ишлаб чиқариш билан банд. Фариданинг ўзи турсунойчилар ҳаракатига қўшилиб ўтган йили салкам 200 тонна ҳосилни машиналар билан теріб берди. Фариданинг конференция минбаридан айтган бу сўзларини ҳамкасблари қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар.

Конференция қатнашчилари йиғилгаплар эътиборини тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида бажарилиши лозим бўлган вазифаларга ҳам қаратдилар. Район меҳнаткашлари олдида бу йил улкан вазифалар турибди. Улар она-Ватанга 36 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш, чорва маҳсулдорлигини янада ошириш, эл дастурхонини мева-чеваларга тўкин қилиш мажбуриятини олишган. Конференция қатнашчилари барча хотин-қизларни жасорат кўрсатиб меҳнат қилишга даъват этиб, мурожаат қабул қилдилар.

Суратда: хотин-қизлар конференцияси қатнашчиларидан бир группаси.

А. Абалян фотоси.

1975 ЙИЛ МУСОБАҚАСИ ТАШАББУСКОРЛАРИ

Янгийўл районидаги «КОММУНИЗМ» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мадамин Маранимов бошлиқ пахтакорлар беш йилликнинг якунловчи йилида ҳар гектар ердан 51 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилдилар. Бу планда белгиланганидан 20 центнер кўпдир. Районда биринчи бўлиб бу ташаббусга шу колхознинг Мажид Серикбоев бригада аъзолари, «Ленинизм» колхозидан Омонқул Айтқулов ва Рихсибой Шофайзнев, Ленин номли колхоздан Нуъмон Зонрхўжаев ва Исмоил Қўшоқов, Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозидан Тошкентбой Темиров ва Эргашбой Жўраев бошлиқ бригада аъзолари қўшилдилар. Бу бригадаларнинг ҳар бири гектаридан 50 центнердан пахта етиштириш ниятидалар.

* * *

Чиноз районидаги «ЧИНОЗ» НАСЛЧИЛИК совхоз-техникуми чорвадорлари эришаётган ютуқлар бутун областимизга яхши маълум. Шу хўжаликнинг илғор сут соғувчиси Виктор Тишченко ўтган йили ҳар бир сигирдан 5244 килограммдан, Екатерина Шереметьева ва Антонина Гнусаровалар 5 минг килограммдан ошириб сут соғиб олдилар. Буюк ғалабанинг 30 йиллик байрами нишонланадиган йилда Виктор Тишченко ҳар бир сигирдан 5500 килограммдан, Е. Шереметьева ва А. Гнусаревалар 5300—5200 килограммдан сут соғиб олишга сўз бердилар. Бу планда белгиланганидан 1500 килограммдан кўпдир.

* * *

Фарида Аъзамова кўп йиллардан бери Калинин районидаги КАРЛ МАРКС номли колхозда сут соғувчи бўлиб ишлайди. У ўтган йили ҳар бир сигирдан 5200 килограммдан сут соғиб олган эди. Бу йил у ўз зиммасига янада юксак мажбурият олди: у ҳар бир сигирдан 6 минг килограммдан сут соғиб олади. Шу колхоздан Р. Йўлдошева эса 5800 килограммдан, Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозидан Гулимхон Турғунбоева 5000 килограммдан, Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозидан Раиса Шелкова 4800 килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилдилар.

* * *

«ОҚҚЎРҒОН» СОВХОЗИДАН Мухтор Нуриддинов, Қобил Қурбонов, шу райондаги Султон Сегизбоев номли совхоздан Раим Рўзиматов, Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоздан Элла Хан, Янгийўл районидаги Фрунзе номли колхозидан Алихўжа Бобохонов, Қуйи Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхозидан Абдусаттор Абдуллаев бошлиқ маккажўхорикорлик бригадаси аъзолари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, «Ҳар гектар ердан 100 центнердан маккажўхори дони етиштирамиз», деб сўз бердилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Қишлоқ ўрта ҳунар-техника билим юртлари тармоқларини кенгайтириш ва уларнинг ишларини яхшилаш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қарорда уқтириб ўтиладики, қишлоқ хўжалиги ривожланишининг ҳозирги даврида колхозлар, совхозлар, мелиорация ва бошқа корхоналар ҳамда ташкилотлар учун малакали ишчи кадрлар тайёрлашда қишлоқ ҳунар-техника билим юртларининг роли тобора ошади. Бу билим юртлари ҳар йили қишлоқлар учун ярим миллиондан кўпроқ энг хилма-хил касбдаги малакали ишчиларни тайёрлаб бермоқда.

Қишлоқ ўрта ҳунар-техника билим юртлари қишлоқ ёшлари ҳунар ва умумий ўрта таълим олишининг энг самарали формаси бўлиб қолди. Лекин бундай билим юртларининг сони ҳали ҳам етарли даражада кўпайтирилмаётир. Бир қанча жойларда уларни қуриш ва ўз вақтида фойдаланишга топширишга тегишлича эътибор берилмаётир. Кўпгина қишлоқ хўжалик органлари қишлоқ техника билим юртларига энг янги техника ва асбоб-ускуналар ажратиш тўғрисида ғамхўрлик қилмаяптилар.

Қарорда қишлоқ ўрта ҳунар-техника билим юртларида малакали ишчилар тайёрлашни тобора такомиллаштириш ва кенгайтириш юзасидан йирик тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига, иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советларига, меҳнаткашлар депутатлари советлари ижроия комитетларига, СССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими Давлат комитетига; СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, Мелиорация ва Сув хўжалиги министрлигига, «Союзсельхозтехника»га ва бошқа министрликлар ҳамда идораларга, шунингдек ҳунар-техника таълими ва қишлоқ хўжалигининг маҳаллий органларига, қишлоқ ўрта ҳунар-техника билим юртларини кенг ривожлантириш ва уларнинг ишларини яхшилаш юзасидан конкрет чоралар кўришни, малакали ишчилар тайёрлашнинг сифатини ошириш ҳамда уларнинг қишлоқ жойларда доимий ишлаб қолишини таъминлашга алоҳида эътибор беришни топширди.

Партия органларига, қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари бошланғич партия ташкилотларининг ролини берча тадбирлар билан ошириш, билим юртларини инженер-педагог кадрлар билан мустаҳкамлаш чораларини кўриш, уларнинг системали ўқишини ташкил этиш, илғор тажриба ва қишлоқ хўжалик фани ҳамда техникасининг муваффақиятларини эгаллаш чораларини кўриш таклиф этилди. Ўқув юртлари партия ташкилотларининг ва педагогик коллективларининг ўқувчилар ўртасида ғоявий-тарбиявий ишлар савиясини ошириш, уларни коммунистик дунёқараш, юксак маънавий фазилатлар, қишлоқ хўжалик меҳнатига чуқур ҳурмат руҳида тарбиялаш масалаларига эътибор кучайтирилсин. Қишлоқ ўрта ҳунар-техника билим юртлари асосан йирик илғор совхозлар, сув хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ташкилотлари, «Сельхозтехника» корхоналари базасида қурилишини зарур деб топилди. Шу билим юртларида ўқув, лаборатория-практик машғулотлар корпуси ва ижтимоий-маиший корпуслар, ўқувчилар учун ошхоналар, ётоқхоналар ва инженер-педагог ходимлар учун уй-жой бинолари бўлиши керак.

1976—1980 йиллар мобайнида қишлоқ ўрта ҳунар-техника билим юртларининг 200 комплексини қуриш ва фойдаланишга топшириш, шунингдек мавжуд билим юртларини 329,5 минг ўринли ўқув корпуси, 127,1 минг ўринли лаборатория-практик машғулотлар корпуси, ўқувчилар учун 332,8 минг ўринли ошхона ва ётоқхоналари бўлган ва инженер-техник ходимлар учун жами сахни 882 минг квадрат метрдан иборат бўлган уй-жой бинолари қуриш ҳисобига мавжуд билим юртларини ўрта билим юртларига айлантириш юзасидан топшириқлар тасдиқланди.

Мазкур объектларни қуриш учун 1976 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича ажратилган маблағлардан ҳам, шунингдек қишлоқ жойларда ривожланаётган халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари учун ҳам ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Колхозларга ва бошқа кооператив ташкилотларга ҳам шу мақсадлар учун маблағ ажратиш тавсия этилди. Иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советларига, ўлка ва область ижроия комитетларига қишлоқ ўрта ҳунар-техника билим юртлари комплекслари қурилишида ўз ҳиссаси билан қатнашиш учун қишлоқ жойларидаги корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек колхозлар томонидан ажратиладиган маблағларни бирлаштиришга рухсат берилди.

Иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги ва ўрмон хўжалиги, қишлоқ қурилиши министрликларни ва идораларига, ҳунар-техника таълими органларига қуйидагилар топширилди:

қишлоқ ҳунар-техника билим юртларида қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари учун малакали ишчилар ва биринчи навбатда кўп профелли механизаторлар, қишлоқ қурилиши, сув ва ўрмон хўжалиги, озиқ-овқат ва гўшт-сут саноати учун, коммунал ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш учун малакали ишчилар тайёрлашни анча кўпайтиришни таъминлаш, шунингдек, қишлоқ ўрта ҳунар-техника билим юртларига қизларни кўпроқ қабул қилиш;

мазкур қарорда назарда тутилган топшириқларни бажариш учун зарур ҳажмда ва муддатларда (ўқув йили бошлангунча) қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш;

ҳар бир қишлоқ ҳунар-техника билим юртида ўқув кабинетлари ташкил этиш, лаборатория ва устаханаларни таълимнинг замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш, билим юртларининг таълим-моддий базасини мустаҳкамлаш юзасидан тадбирлар кўриш;

халқ хўжалик плани кўрсаткичларини тузиб чиқиш чоғида қишлоқ ўрта ҳунар-техника билим юртларини рационал жойлаштиришни таъминлашни назарда тутган ҳолда шу билим юртлари қуриладиган районларни белгилаш;

қишлоқ ҳунар-техника билим юртларига янги ўқув хўжаликлари қуриш ва мавжуд хўжаликларни кенгайтириш учун ер участкалари, шунингдек янги техника ва асбоб-ускуналар ажратилишини таъминлаш, 1976—1980 йиллар мобайнида олий ва ўрта махсус ўқув юртларини битириб чиққувчилардан 41,2 минг кишини ўқитувчилар ва қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари ишлаб чиқариш таълими мастерлари сифатида ишга юориш, шунингдек олий ўқув юртларининг бир қанча факультетларини ва техникумларнинг бўлимларини шу билим юртлари учун кадрлар тайёрлашга (мамлакатнинг табиий иқтисодий зоналарини назарда тутган ҳолда) ихтисослаштириш белгиланди.

Қишлоқ жойлардаги ҳунар-техника билим юртлари инженер-педагог ходимларининг иш шароитини яхшилаш мақсадида директорлар, директор ўринбосарлари, ўқитувчилар, тарбиячилар, ишлаб чиқариш таълими старший мастерлари ва мастерлари учун ўз хўжалигига эга бўлиш ва уй-жой қуриш учун кредитлар олишга қўшимча имтиёзлар, шунингдек бир қанча бошқа енгилликлар белгиланди. Совет ва хўжалик органларига уй-жой қуриш, улар учун зарур маданий-маиший шароит яратишда ҳунар-техника билим юртларининг инженер-педагог ходимларига ёрдам бериш таклиф қилинди.

Қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг моддий таъминот шароитини яхшилаш учун махсус кийимга қўшимча қилиб, 1975 йил 1 сентябрдан бошлаб формали кийим-кечак берилади.

СССР Министрлар Совети нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетига қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари учун зарур дарсликлар, ўқув қўлланмалари, программалар ҳамда колхозлар, совхозлар, сув хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ташкилотлари, «Сельхозтехника» корхоналари учун, шунингдек халқ хўжалигининг қишлоқ жойларда ривожланаётган бошқа тармоқларининг корхоналари ва ташкилотлари учун малакали кадрлар тайёрлашга оид бошқа ўқув-методик адабиётни нашр этишни таъминлаш таклиф қилинди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва СССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими Давлат комитети ВЦСПС билан биргаликда қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари инженер-педагогик ходимларига медицина ва санатория-курорт хизматини яхшилашлари ҳамда уларнинг дам олишини ташкил қилишлари лозим.

ВЦСПС ҳунар-техника билим юртлари касаба союз ташкилотларига раҳбарликни яхшилаш, ўқувчиларнинг техника ва бадиий ижодкорлигини ривожлантириш тўғрисида, спорт ва мудофаа-оммавий ишларини яхшилаш, ўқувчиларнинг турмушини, дам олишини яхшилаш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиши лозим.

ВЛКСМ Марказий Комитетига қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари комсомол ташкилотлари оталиққа олиш ишларини кенг авж олдириш, ўқувчиларни коммунистик руҳда тарбиялашда, уларнинг чуқур ва мустаҳкам билим олишларига эришишда билим юртларининг педагогик коллективларига кўпроқ ёрдам бериш таклиф этилди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотларини, билим юртларининг коллективларини, шунингдек колхозлар ва совхозларни малакали ишчилар тайёрлаш савиясини ошириш учун конкрет чоралар кўришга даъват этдилар. Бу эса, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан партия ишлаб чиққан программани бажаришнинг муҳим шартидир.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ «МАМЛАКАТ ҲАВО ҲУЖУМИДАН МУДОФАА ҚУШИНЛАРИ КУНИ»НИ ҲАР ЙИЛИ БАЙРАМ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Мамлакат ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг Улуғ Ватан урушидаги жуда катта хизматларини ва бу қўшинлар тинч даврда алоҳида муҳим вазифаларни бажараётганликларини назарда тутиб, «Мамлакат ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари куни» ҳар йили байрам қилинсин.

«Мамлакат ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари куни» ҳар йили апрель ойининг иккинчи якшанбасида байрам қилинсин.

Шу куни Ватанимиз пойтахти қаҳрамон шаҳар Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида; қаҳрамон шаҳарлар Ленинград, Волгоград, Севастополь, Одесса, Новороссийск, Керчда ва қаҳрамон қалъа — Брестда байрам мушакбозлиги ўтказилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1975 йил, 20 февраль.

КАСАБА СОЮЗЛАРИ — ТАШКИЛОТЧИ ВА ТАРБИЯЧИ

Партия ташкилотлари раҳбарлигида касаба союзлари ишчи ва хизматчилар куч-ғайратини коммунистик қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар этиб келмоқдалар.

Касаба союзлари омманинг муносиб ва жонли ташкилотчилари сифатида меҳнат коллективларида социалистик мусобақани авж олдириш, илғорлар тажрибасини оммалаштириш, янги кишини тарбиялаш, бойлик яратаётган аъзоларнинг дам олишини намунали ташкил этиш соҳасида катта иш олиб бормоқдалар. Область касаба союзларининг яқинда бўлиб ўтган VIII союзлараро конференциясида касаба союзларининг ана шу соҳада тўплаган бой тажрибалари умумлаштирилди. Беш йилликнинг якунловчи йилида касаба союзлари олдида турган янги вазифалар белгилаб олинди.

— Ҳисобот даврида, — деди область касаба союзлари Советининг раиси **А. В. Бранлов** ўз докладида, — асосий эътибор касаба союзларининг ташкилотчилик қобилиятини кучайтиришга, тўққизинчи беш йиллик халқ хўжалик планларини бажаришда ишчи ва хизматчилар активлигини оширишга қаратилди. Партия XXIV съезди қарорлари асосида катта ишлар бажарилди. Айниқса, социалистик мусобақа такомиллашди, меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракати авж олди.

1971 йилга нисбатан областда мусобақа иштирокчилари сони 80 минг кишига купайди. 400 мингга яқин меҳнаткаш, 19 минг бригада коллективи, 6300 цех, участка, смена, бўлимлар, 700 корхона, ташкилот ва муассаса коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашмоқда. Ҳозир 170 мингга яқин илғорлар ва ишлаб чиқариш новаторлари коммунистик меҳнат зарбдори номини олганлар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети томонидан ҳар йили Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида қабул этилаётган қарорлар, КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати оммани ижодий активлигини жўш урдириб юбормоқда.

Докладчи шаҳар ва районларда социалистик мусобақанинг янги-янги формалари жорий этилаётганлигини мисоллар билан айтиб ўтди. Бу жиҳатдан Ангрен шаҳар касаба союзлари Совети тажрибаси ўрнак қилиб кўрсатилди. Бу ерда корхоналар ўртасида мусобақанинг самарадорлиги таъмин этилмоқда. Ҳар кварталда мусобақага якун ясалади, илғорларга Қизил Байроқ топширилади. Энг илғор коллектив ва ишчилар учун алоҳида мукофотлар жорий этилган. Биринчи ўринни эгаллаган мусобақа ғолибига қимматбаҳо кўчма мукофот тақдим этилади.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ўртасида ташкил этилаётган мусобақалар ҳам қосилдорликни оширишга, маҳсулот таннархини камайтириш, дала меҳнаткашлари, чорвадорлар, соҳибкорлар ва бошқа касб эгаларининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётир.

Конференцияда Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш», «Узбекхиммаш», «Электротехника», «Миконд» заводлари Ўзбекистон металлургия комбинати, Олмалиқдаги кон-металлургия комбинати, Тошкентдаги Тўқимачилик комбинати, «Узбекшахтострой» ва «Алмаликсвинцстрой» трестлари, Бекободдаги 16-автобаза коллективлари, «Узбекистон ССР беш йиллиги» совхози, «Ленинизм», «Политотдел» колхозлари касаба союз ташкилотларининг ибратли ишлари алоҳида таъкидланди.

Касаба союзлари техника тараққиётини тезлаштириш, илғорлар тажрибасини оммалаштиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Ўтган уч йил давомида илмий-техника жамоатчилигининг кўмагида ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг актуал проблемаларига бағишланган тавсиялар тақдим этилди. Ана шу давр ичида юзлаб жамоат кўриклари ва конкурслар уюштирилди. Меҳнат самарадорлигини оширишда, айниқса, доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгашларининг роли катта бўлаётир. Ҳозирги пайтда область корхоналари ва ташкилотларида мингдан ортиқ ана шундай кенгашлар иш олиб бормоқда.

Касаба союзлари область партия комитети ва партия ташкилотлари раҳбарлигида катта ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни бажармоқдалар, беш йиллик планлари бажарилишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар касаба союзлари фаолиятидаги ютуқларни қайд қилиш билан бирга йўл қўйилаётган камчиликлар, фойдаланилиши лозим бўлган резервлар ва имкониятлар тўғрисида ҳам батафсил фикр юритдилар.

Областда олти саноат корхонаси социалистик мажбурият у ёқда турсин, ҳатто маҳсулотни реализация қилиш бўйича йиллик давлат планини ҳам бажара олмади. Кўпгина қурилиш ташкилотлари қурилиш-монтаж ишларини бажаришда сусткашликка йўл қўймоқдалар. Айрим корхоналарда иш вақтининг нобуд бўлишига, ускуналарнинг, машина ва механизмларнинг бекорга тўхтаб қолишига йўл қўйилаётир. Меҳнат коллективларида тарбиявий ишларни жонлантириш, социалистик интизомни мустаҳкамлаш, меҳнат ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш бўйича кўрилаётган тадбирлар ҳам айрим ҳолларда талабга жавоб бермайди.

Конференцияда қабул қилинган қарорларнинг ижросини қатъий назорат қилиб бориш масаласига алоҳида эътибор берилди. Бу соҳада камчиликлар озмунча эмаслиги таъкидланди. Областдаги барча касаба союз органларида бўлиб ўтган ҳисобот ва сайлов йиғилишларида шу нарса маълум бўлдики, айрим касаба союз ташкилотлари етарли активлик кўрсатмаётирлар.

Бу йил пойтахт области меҳнаткашлари олдида янги вазифалар турипти. КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми (1974 йил) қарорларида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг ана шу Пленумда сўзлаган нутқида, КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида бу вазифаларни бажаришнинг аниқ йўл-йўриқлари белгилаб берилди.

Касаба союзлари бу вазифаларни муваффақиятли бажарилишида катта ташкилотчилик ишларини олиб боришлари лозим. Жуда кўп корхоналарнинг коллективлари беш йилликнинг якунловчи йилини муваффақиятли бошладилар. Улар январь ойи программасини муваффақиятли ado этдилар. Область, шаҳар ва район касаба союзлари советлари, касаба союз комитетлари барча соҳаларда план ва топшириқларнинг ортиғи билан бажарилишини таъминлаш учун зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар.

— Бизнинг корхонамизда, — деди Тошкентдаги Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси **Ф. Нажмиддинов**, — социалистик мусобақани ташкил этишнинг аниқ режаси белгилаб чиқилган. Ғолибларни белгилашда ишнинг миқдори ва сифат кўрсаткичлари асосий омил қилиб олинган. Бу катта фойда келтирмоқда. Ўз зиммасига оширилган мажбурият олиб, меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчилар, бригада, цех коллективлари унумдорликни тинмай оширишга, маҳсулот сифатининг яхшиланишига, резервлардан унумли фойдаланишга эришмоқдалар. Касаба союз комитети кенг активларга таяниб иш олиб бормоқда. Илғорларнинг тажрибасини оммалаштириш соҳасида бу активлар беҳаётган ёрдам салмоқли бўлаётир. Биз беш йилликнинг якунловчи йилида ҳам мусобақанинг ошқорлигини, самарадорлигини таъмин этишга қаратилган янги-янги тадбирларни амалга ошираверамиз.

«Бўка» совхозининг жуда кўпгина ишлаб чиқариш илғорлари, новаторлари касаба союзларининг жонқуяр активлари сифатида ҳам меҳнат қилиб келмоқдалар. Машҳур механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мария Ковалева шулар жумласидандир. **Мария Ковалева** пахтачиликни механизациялаш, ҳосилдорликни ошириш ишига муносиб ҳисса қўшиш билан бирга совхоз ишчиларининг турмуш шароитини янада яхшилаш, уларнинг намунали дам олишларини ташкил қилиш, бўлим ва бригадаларда техника хавфсизлигини таъминлашда совхоз касаба союз комитетига яқиндан ёрдам бериб келаётир.

— Биз механизаторлар партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлигига жавобан, — деди у, — резервлардан фойдаланиб, асосий эътиборни ҳосилдорликни оширишга, ҳар бир трактор, ҳар бир терим машинасининг иш унумини кўтаришга қаратишимиз лозим.

Улуғ Ватан урушида немис-фашистлари устидан ғалаба қозонилганига 30 йил яқинлашаётганлиги муносабати билан корхона ва ташкилотлар, колхоз ва совхозларда ажойиб ташаббус бошланиб кетди. Жуда кўп ишлаб чиқариш илғорлари, новаторлар «Ўзим ва ўша йигит учун» шиори остида меҳнат қилмоқдалар. Қизил байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи снёсий бошқармасининг бошлиғи **Н. О. Шчукин** бу ажойиб ҳаракат бераётган самарадар, ҳарбий ватанпарварлик ҳаракатини авж олдириш тўғрисида сўзлади.

Бекобод цемент комбинати айланма печининг машинисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **К. Фармонов** корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш, ишчиларнинг маданий-маиший дам олишларини ташкил этиш соҳасида кўрсатилаётган ғамхўрликлар тўғрисида сўзлаб берди.

Минбарда «Миконд» заводининг директори **У. Умаров**. У корхонада мусобақанинг турли хил формаларидан фойдаланилаётганлигини мисоллар билан айтиб берди. Бу ерда «Ўз касбининг устаси», «Илғор ёш ишчи», «Энг яхши комсомол ёшлар бригадаси» деган номларни олиш учун мусобақалашадилар.

Ҳар бир ишчининг мусобақа бўйича шахсий варақаси бор. Унда рационализаторлик таклифлари ва уларнинг жорий этилиши ҳам акс эттириб борилади. Ўтган уч ярим йил ичида 1040 кишн рационализаторлик таклифи билан чиқди. Бундан ташқари, деди нотиқ, биз электрон техника заводи билан ҳам мусобақалашганмиз. Ҳар ойда бир-биримизга ўзаро текшириш бригадалари юборилади. Мусобақа жараёнида эришилган натижаларни қиёсий таҳлил этамиз, бу катта фойда келтирмоқда. Умумий юксалишга олиб келмоқда. Лекин, касаба союзлари фаолиятида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Бизда ҳали ишга кечикиб келувчилар учраб туради. Меҳнат интизомини бузувчилар бор. Касаба союзлари одамларда меҳнатга онгли муносабат намуналарини тарбиялашлари керак.

Қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари ишчи ва хизматчилари касаба союзлари область комитетининг раиси **Т. Ражабов** беш йилликнинг белгиловчи йилида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида сўзлаш билан бирга асосий эътиборни ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларга қаратди. У колхоз ва совхозларда техника хавфсизлигини таъминлаш, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг меҳнат хавфсизлигини муҳофаза этиш бўйича қилинаётган ишлар ҳали талабга жавоб бермаслигини, ана шу соҳадаги камчиликларни бартараф этиш учун касаба союзлари партия, совет, комсомол ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб боришлари зарурлигини, қишлоқ билан шаҳарнинг алоқасини мустаҳкамлаш соҳасида янги-янги тадбирлар жорий этилиши муҳимлиги ҳақида сўзлади.

Тошкент тўқимачилик комбинати тўқувчиси **В. И. Солдатова** конференция қатнашчиларига мусобақадош Иваново областида бўлиб, у ердан олган таассуротлари ҳақида сўзлаб берди.

— 1975 йил — сифат йили бўлиши керак, — деди у, — шунинг учун ҳам маҳсулот сифатини яхшилаш масаласи касаба союзлари фаолиятида муҳим ўрин эгаллаши лозим. Бунинг учун маъмуриятнинг ёрдами ҳам зарур. Бизда бу соҳада бир мунча ишлар қилиняпти. Эски усукаларга янгиларини алмаштирилмоқда.

Нотиқ муносиб ўринбосарлар тайёрлаш масаласига алоҳида тўхталди. Унинг ўзи бу соҳада намуна кўрсатмоқда. В. И. Солдатова уч ёш тўқувчини шогирдликка олганлигини, уларга ўз тажрибаларини эринмасдан ўргатаётганлигини айтиб, бошқаларни ҳам мураббийлик ҳаракатини кучайтиришга даъват этди.

Ангрендаги кўмир разрези экскаватор машинисти **А. К. Волков** янги йилда кўплаб янги технология қўлланилаётганлиги туфайли экскаваторларнинг унумдорлиги ортиб бораётганлигини айтди. Ҳар бир машинист ўз зиммасига оширилган мажбурият олган ҳолда меҳнат қилаётир. Шу кунларда улар янги ташаббусни бошлаб юбордилар. Экскаваторларнинг капитал ремонт қилиш муддатини узайтириш — уларнинг асосий шиорига айланиб қолди. Разрезда меҳнат шароити тобора яхшиланиб бормоқда.

Нотиқ машинистларнинг малакасига қараб ҳақ тўлаш зарурлиги ва шу мақсадда иш ҳақи тарификациясини қайтадан кўриб чиқиб, ўзгартишлар киритиш зарурлиги ҳақида мулоҳазаларни ўртага ташлади.

Область комсомол комитетининг биринчи секретари **Ш. Н. Бобоев** корхона ва ташкилотлар, қурилишларда, колхоз ва совхозларда ёш ишлаб чиқариш илғорларининг дунёқарашини шакллантириш, уларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш, ташаббускорликни авж олдиришда комсомол ташкилотлари, касаба союзлари билан ҳамкорликда иш олиб ораётганлиги ҳақида сўзлади.

Бу жиҳатдан комсомолларнинг Бутуниттифоқ мажлислари катта роль ўйнамоқда. Бу мажлисларда юксак мажбуриятлар олинмоқда. Ёш ишлаб чиқариш илғорларининг маҳоратини ошириш, уларнинг тажрибасини бойитишда меҳнат қаҳрамонлари, ишлаб чиқариш ветеранлари билан учрашув кечалари ўтказиш катта роль ўйнамоқда. Беш йилликнинг якунловчи йилида комсомол ёшлар олдида ҳам янги вазифалар турипти. Ёшлар ўз вазифаларини шараф билан бажариш учун куч-ғайратларини аямайдилар.

— Бизда, — деди Олмалиқдаги кон-металлургия комбинати мис бойитиш фабрикасининг флататори **П. С. Сгибнева**, — кўп кишн ўзининг шахсий маҳсуриятига эга. Самарадорлик ва маҳсулот сифати асосий шиор бўлиб қолган. Қўшимча қувватлар ишга туширилмоқда. Нотиқ фабрикада меҳнат унумдорлигини оширишга ҳалақит бераётган камчиликлар ҳақида ҳам сўзлаб. Медицина хизматини янада яхшилашга қаратилган таклифларни ўртага ташлади.

Маҳаллий саноат ва коммунал — маиший хизмат корхоналари касаба союзлари область комитетининг раиси **М. Камолова** социалистик мусобақа имкониятларидан тўла, фойдаланиш, бу соҳадаги расмиятчиликка барҳам бериш учун ишга ижодий муносаоатда булишни таъкидлади.

Конференцияда сўзга чиққан Тошкент медицина институтининг талабаси **Г. Бобожонова**, «Узбекхиммаш» заводининг мастери **А. Я. Снегиров**, Тошкент кабель заводининг директори **Х. Р. Алимов** ва бошқа ўртоқлар ҳам касаба союзларининг беш йилликнинг тугалловчи йилидаги ташкилотчилик, тарбиячилик ролини оширишга қаратилган бир қатор таклифларни ўртага ташладилар.

Конференция касаба союзлари Тошкент область Советининг ҳисобот давридаги ишини қониқарли деб топди.

Конференцияда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **М. М. Мусахонов**, ВЦСПС Президиумининг аъзоси **Н. В. Драгунов** ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Конференция ишида ВЦСПС Президиумининг аъзоси, Узсовпроф раиси **М. А. Зондов**, Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари **В. В. Окунский** иштирок этди. Муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

* * *

Конференцияда сайланган касаба союзлари область советининг Пленуми ўлиб ўтди. **А. В. Бранлов** касаба союзлари область советининг раиси, **В. И. Козлов**, **С. У. Муҳамеджонова**, **М. И. Иўлдошева**лар касаба союзлари область советининг секретарлари, жамоатчилик секретари қилиб Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Л. П. Требухин** сайландилар.

Конференцияда область касаба союзлари совети ва область касаба союзлари ревизия комиссияси сайланди.

ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ VIII СОЮЗЛАРАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Тошкент минерал сув заводида беш йилликни муддатидан илгари бажариш ташаббусига қўшилган кўплаб илғор ишчилар меҳнат қилаётир. Коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи Анорой Пўлатова шуларнинг биридир. У шахсий беш йиллик планини ўтган йил декабрь ойида ортиғи билан адо этиб, пландан ташқари 150 минг шиша минерал сув ишлаб чиқарди. Шу кунларда эса ҳар сменада 24 минг ўрнига 32 минг шиша минерал сув тайёрлашга эришмоқда.

И. Зайнутдинов фотоси.

КАФЕДРА ТАШАББУСИ БИЛАН

Кечагина «Шаҳримиздаги 118-ўрта мактабда учрашув бўлади. Кафедра доцентларидан М. Турсунов, И. Тожиев ва С. Шодмоновлар КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми материаллари бўйича докладлар билан чиқадилар» деган эълон пайдо бўлган эди. Мана бугун эса кафедра олимларининг «Абдулла Авлоний» маҳалласида навбатдаги учрашуви ўтказилажаги маълум қилинганди.

Чиндан ҳам Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти илмий коммунизм кафедраси жойларда тарғибот ишларини кучайтириб юборди. КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати эълон қилингач, ушбу муҳим ҳужжатни меҳнаткашлар ўртасида кенг тушунтириш юзасидан қатор тадбирлар белгиланди.

— Жонажон партиямизнинг катта воқеалар, шонли саналар, улкан вазифалар муносабати билан халққа самимий Мурожаат қилиши тамомила бир ҳодиқир,— дейди кафедра мудири, тарих фанлари доктори, профессор Собит Носирхўжаев.— Бу сафар ҳам шундай бўлди. Партиямизнинг янги зафарларга чорловчи илҳомбахш даъвати совет кишиларининг ҳаётий дастуруламалига айланди.

Мурожаатда илм-фан аҳлларн олдида турган вазифалар аниқ-равшан кўрсатиб берилди. Шу билан бирга муҳим ҳужжат моҳиятини кенг омма ўртасида тушунтириш ҳам бизнинг бурчимиздир.

Шу мақсадда кафедра йўли билан тематик планлар ишлаб чиқилди. Дастлаб олий ўқув юрти сиртқи бўлимлари студентлари учун «Партия Мурожаати зафарларга чорлайди», «Беш йиллик ва таълим-тарбия» деган қатор суҳбатларни ташкил этдик. Худди шундай суҳбатлар институтнинг битирувчи курс студентлари ўртасида ҳам олиб борилди.

Билим ўқуларида, маҳаллаларда ўтказилган лекция ва суҳбатлар ҳам тингловчиларда катта қизиқиш уйготди. Юқори Чирчиқ районининг Паркент зонасида уюштирилган кўчма лекторийга ҳам пухта тайёргарлик кўрилди. Кафедра аъзолари райондаги 26 ва 83-қишлоқ мактаблари ўқитувчилари билан бўлган учрашувларда якуловчи йилда халқ маорифи олдида турган вазифалар, умумий ўрта таълимга ўтишнинг аҳамияти хусусида сўзладилар.

«Кўчма лекторий»нинг навбатдаги машғулоти райондаги «Гулистон» колхози клуоида бўлди. Олимлар бирин-кетин сўзга чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1975 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш ва тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун қишлоқ хўжалик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарори хусусида батафсил тўхталдилар, дала мирзиқорлари томонидан берилган саволларга атрофлича жавоб бердилар.

Шаҳримиздаги Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Авлоний маҳаллалари институт томонидан оталиққа олинган. Тематик планлар тузилганда оталиқдаги маҳаллаларда суҳбатлар ташкил этиш ҳам кўзда тутилганди. Белгиланган бу тадбирларнинг аксарияти амалга оширилди. Айниқса, «Давра суҳбатлари» маҳалла аҳли ўртасида катта қизиқиш уйготди. Кафедрада тайёрланган янги кишини тарбиялаш, ёшларнинг маънавий фазилатлари, совет ватанпарварлиги ва интернационализм тўғрисидаги докладлар бўйича савол-жаоблар ташкил этилди.

Пойтахтнинг Фрунзе районидаги 118-ўрта мактаб бошланғич партия ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказилган кеча биринчи рус революциясининг 70 йиллигига бағишланди. Кафедра аъзоларидан С. Шодмонов, М. Аҳмедов, Т. Хошимовлар бу революциянинг тарихий аҳамиятини ўқувчиларга тушунтириб бердилар. Мактаб залида ташкил этилган «Улуғ Октябрнинг бош репетицияси» деган кўргазма материалларини танлашда ҳам кафедра ўқувчиларга ёрдам берди.

Илмий коммунизм кафедраси ҳозир институт комсомол комитети билан биргаликда буюк ғалабанинг ўттиз йиллигига бағишланган студентлар конференциясига пухта тайёргарлик кўрмоқда. Умуман, олимлар томонидан жойларда 80 дан ортиқ лекция ва суҳбат ўтказилди.

Кафедранинг бу йилги режалари катта. Янги методик тўплам нашрга тайёрланади, илмий-назарий китобчалар мутахассисларга тақдим этилади.

А. АЛИЕВ.

КАЛИНИН РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

МУҲИМ САНА ОЛДИДАН

Шу йил ноябрь ойида оташин ленинчи, Бутуниттифоқ халқ оқсоқоли Михаил Иванович Калинин туғилган кунга 100 йил тўлади. Район партия комитети бюроси бу муҳим санани нишонлаш юзасидан махсус қарор қабул қилди, тадбирлар ишлаб чиқди.

Маданият уйлари, кутубхоналар, клубларда М. И. Калинин ҳаёти ва фаолиятини ифодаловчи қизил бурчаклар, фотостендлар, китоблар кўргазмаси очилади. Лекторлар, снёсий докладчилар, снёсий ахборотчилар колхоз ва совхозлар, корхона, муассасаларда суҳбатлар уюштирадилар.

Шунингдек, «М. И. Калинин ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш масаласи» мавзуида илмий-назарий конференция ўтказилади. Район марказида Калининга мемориал-ёдгорлик ўрнатилади. Унинг номи билан аталувчи колхозда, район халқ маорифи бўлимида, маданият уйларида М. И. Калининнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган музей-хоналар ташкил этилади.

ТАДБИРЛАР МАЪҚУЛЛАНДИ

«Бўзсув» уруғчилик совхозида бир неча миллат вакиллари бир оила фарзандларидек ноқ ишлаб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Шу туфайли ҳам экинлардан мўл ҳосил олинмоқда. Совхоз партия комитети меҳнаткашлар ўртасида интернационал тарбияни кучайтириб юборган.

Бу йил ҳам интернационал тарбия борасида янги тадбирлар ишлаб чиқилди. Совхоз клубида «СССР халқлари дўстлиги — мамлакатимиз қудратининг манбаи», «Дўстона, ягона онлада», «Ленинизм ғояларининг асоси — интернационализм» темаларида кечалар, савол-жавоб давралари, лекциялар, суҳбатлар, концертлар уюштирилади.

Бюрода «Бўзсув» совхози партия ташкилотининг интернациональ тарбия юзасидан амалга ошираётган ишлари маъқулланди, унинг тажрибасини бошланғич партия ташкилотлари ўртасида кенг ёйишга тавсия этилди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР — КАТТА КУЧ

Калинин номли колхоз экономикаси йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Бу ютуқларда хотин-қизларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Пилла қўрти боқиш даврида аёллардан 300 киши фаол қатнашди. Сут-товар фермасида меҳнат қилаётганларнинг аксарлятини аёллар ташкил этади. Мария Памятникова, Марзия Отаметова, Шакар Примова каби сут соғувчилар ҳар бош сигирдан 3500 килограммдан сут соғиб олиш учун бел боғлаганлар.

Яқинда район партия комитети бюроси колхоз партия ташкилотининг хотин-қизлар билан ишлаш, улар ўртасида тоявий-снёсий, тарбиявий ишлари йўлга қўйиш соҳасидаги фаолиятини кўриб чиқди. Хўжаликда бу борада тўпланган тажрибалар қайд этилиши билан бирга камчиликлар ҳам кўрсатилди. Хусусан, хотин-қизлар Совети фаолияти сезилмаётганлиги, колхоз клуби қошида ташкил этилган ҳаваскорлик тўгараклари, «Қизлар клуби» ишламай қўйганлиги кўрсатиб ўтилди. Бу камчиликларни тугатиш, беш йилликнинг якунловчи йилида зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажаришда хотин-қизларнинг ролини янада кучайтириш, уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шароитларни яратиб бериш тадбирлари белгиланди.

БИР ЎЗИ ТЎҚҚИЗ СТАНОК ЎРНИДА

Тошкентдан Литваннинг Рокишкис шаҳридаги «Нерис» машинасозлик фирмаси номига ортиб жўнатилган ҳар икки кўп шпиделли ним автоматнинг ҳар бири тўққиз серияли универсал станокли бутун бир линиянинг ўрнини боса олади. Бу ноёб машиналар витаминлаштирилган пичан талқони-гранулятор матрицаси олинадиган установканнинг бош деталларига ишлов беришга мўлжалланган.

Тошкент давлат машинасозлик лойиҳа-конструкторлик технология бюросида ишлаб чиқилган ва ясалган бу ним автомат 2,5 соат ичида иккита матрицага ишлов беради, ҳар бирида 540 тадан тешик пармаланди.

— Матрица-донадор озуқа ишлаб чиқариш машинасининг асосий детали ҳисобланади. У мураккаб деталь деворлари иш процессида озуқа массасининг доимий босимига дучор бўлиб туради,— дейди бюроинг тажриба заводида станоклар конструкциялаш ишларига бошчилик қилувчи инженер В. Б. Белага. Мутахассислар олдида ҳар қандай нагрузкага бардош бера оладиган матрица ишлаб чиқарувчи станок яратишдан ташқари ғоят ишиқ металлга ишлов бера оладиган асбоб танлаш вазифаси ҳам турарди. Бу вазифалар ҳал этилди ва бюро яратган машина чет элларда ишлаб чиқарилаётган шундай машиналарга нисбатан уч баравар серунум бўлиб чиқди.

«Нерис» фирмаси беш йилликнинг якунловчи йилида 10 та шундай ним автомат олади. Станоксозлар мамлакат қишлоқ хўжалиги машинасозлик корхоналарига жами 100 та шундай ноёб станок тайёрлаб жўнатадилар.

Е. ГАЙНУЛИН, ЎзТАГ мухбири.

АРДОҚЛИ ВА ЭЪЗОЗЛИ

Фарзанд она учун қанчалик азиз бўлса Ватан учун ҳам шунчалик ардоқлидир. Бизда ўғил-қизларимизнинг тарбия ва билим олишлари, замонага муносиб инсон бўлиб етишишлари учун барча шароитлар муҳайё. Кўриш, эшитиш қобилияти заиф, жисмонан ривожланмаган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида ҳам ҳукуматимиз алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Улар махсус мактабларда тарбия ва билим олмоқдалар.

Кўриш қобилияти заиф ўғил ва қизлар учун Олмалиқда очилган мактаб-интернатда ҳам уларнинг соғлом ўсишлари, маълумотли кишилар бўлиб етишишлари учун ҳамма нарса муҳайё. Махсус программа асосида дарслар ўтказилиб турилибди. Меҳрибон тарбиячилар, тажрибали педагоглар уларга пухта билим бериш учун ҳамма чораларни кўришмоқда. Катта ва шинам, кўркам ва озода синфлар ўқувчилар билан доимо гавжум.

Янги қурилган уч қаватли биноларда тўртраси мактаб-интернат ихтиёрига берилган. Бу биноларга мактаб-интернат ётоқхонаси, кутубхона, ўқиш зали, шифохона жойлашган. Биноларни жиҳозлаш, керакли инвентарлар билан таъминлашда область соғлиқни сақлаш бўлими катта ёрдам кўрсатди. Область кўз касалликлари шифохонасининг бош врачи, республикада хизмат кўрсатган врач Насим Иброҳимович Гарин мактаб-интернат педагогларининг яқин маслаҳатдоши бўлди. Ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам туфайли 250 ўринли мактаб-интернат қисқа вақт ичида ишга туширилди. Ҳозир, бу ерда 147 ўғил-қиз тажрибали педагоглар қўлида фан асосларини эгаллаётир.

— Ўқувчилар тўла давлат таъминотидадирлар, ҳеч нарсадан камчиликлари йўқ, — дейди мактаб-интернат директори Людмила Петровна Усина. — Ўқувчилар соғлигини мунтазам текшириб туриш учун Олмалиқ шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими малакали врач ва медицина ҳамширалари ажратган. Бундан ташқари, мактаб-интернатни область офтальмологик кўз касалликлари шифохонаси оталиққа олган. Олий категорияли врач Нина Ивановна Пономарёва, Эльвина Ефимовна Файнер, Светлана Иосифовна Циркульникова ва бошқалар ҳафтада икки марта мактаб-интернатда бўлишиб, ўқувчиларни медицина кўригидан ўтказиб туришади.

А. ШАРАФИЕВА.

ФРОНТ ОРҚАСИДА

«Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!» Уша йилларнинг жанговар даъвати эди бу. Уруш йиллари ишчи ва деҳқон қўлни қўлга бериб, тобора кўпроқ маҳсулот етиштириб, бу билан Буюк Ғалабага муносиб ҳисса қўшишга бел боғладилар.

Ленин номли (ҳозирги Калинин номли) колхоз аъзолари ҳам ўша йилларда жанговарлик намуналарини кўрсатдилар. Улар айниқса, дон экинлари ҳосилдорлигини оширишга алоҳида аҳамият бердилар. Фронтга кетган оталар ва акалар ўрнини ёшлар, аёллар ва кексалар эгаллади.

— Мен, деб хотирлайди ҳозир колхоз фермасида бузоқбоқар бўлиб ишлаётган Умри Аҳмедова, — турмуш ўртоғим Йўлдош Ғофуровни армияга кузатгач, колхозда ишлашга жазм қилдим. Унинг жўнаб кетаётиб «Дадил бўл, астойдил меҳнат қил, бу бизга мадад бўлади, албатта ғалаба билан қайтамиз» деб айтган сўзлари ҳамиша мени руҳлантириб турди. Кейинчалик турмуш ўртоғим Украина фронтида жанг қилиб қаҳрамонларча ҳалок бўлганлиги ҳақида хабар келди. Бу мудҳиш хабар қалбимни эзди, оғир жудоликка бардош бериб ғалабамиз йўлида меҳнат қилишни давом эттирдим. Дастлаб оддий колхозчи, сўнг эса звено бошлиғи бўлиб ишладим. Икки йилдан сўнг бригада бошлиғи қилиб тайинлашди.

Бизнинг бригадага 60 гектар ер биркитилган эди. Далада 30—35 киши ишлардик. Уларнинг кўпчилигини аёллар ташкил этарди. Ғиёсий Йўлдошева, Каромат Қулматова ва бошқалар ўша кунларнинг қаҳрамонлари бўлишди. Кечаси ўроқ ўриб, кундузи кетмон чопардик. Ҳўкиз билан буғдой янчиб, шамолда шопириб тозалардик. Майли, уйқудан кечак ҳам, ҳосилимиз мўл бўлсин деярдик. Ҳар гектаридан 18 тоннага етказиб картошка, 40—45 тонна помидор йиғиштириб олардик. Ёз кунлари далада, шийпонда тунаб қолардик. Кечалари картошка-пиёз саралаб чиқардик.

Раисимиз Ҳайитбой ота Тошмуҳамедов ҳамиша ҳолимиздан хабар олиб турарди. Ҳар келганда жангдаги ғалабаларимиздан гапириб, бизни руҳлантириб кетарди.

Энди колхоз ветеранларидан Холтой Гулмоновнинг сўзига қулоқ солинг.

— Мен, — дейди у, — уруш йилларида колхознинг Толиб Тўраев бошлиқ бригадада ишладим. Сувчилик қилдим. Кечаси-ю кундузи тиним билмасдик. Бизни биров мажбур қилмасди. Уруш тезроқ ғалаба билан тугасин, меҳнат мувaффақиятларимиз солдатларимизга мадад бўлсин, деб меҳнат қилардик. Бригада қовунтарвуз етиштирарди. Ҳар гектаридан 43 тоннага етказиб ҳосил етказиларди.

Бизнинг бригадада ҳам аёллар асосий кучни ташкил этарди. Розия опа, Ортиқ опа, Файзи опа, Башар холалар бригадамизнинг илғорлари ҳисобланар эди. Хонадонларга колхоз ҳисобидан ўтин берилиб, маҳаллий ўғит йиғиларди. Ток барги, лавлаги пояси солиб овқат пиширардик.

— Уруш бошланганда мен ўн тўрт яшар йигитча эдим, — дейди Азиз Аъзамов. — Колхознинг Абдували Эгамбердиев бригадасида табелчи бўлиб ишлай бошладим. (Азизнинг отаси Аъзам ака ҳам колхознинг ташкилотчиларидан ҳисобланади. У Бауман номли колхозда бригада бошлиғи бўлиб ишлаган) Ўша маҳалда бригаданинг 35 гектар ери бор эди. Бригада аъзоларининг кўпчилигини оталар ва аёллар ташкил этарди. Зокирхўжа ота, Имомали ота, Пўлат ота, Зойир ота каби кексалар, Тожи Ортиқова, Тожи Қулматова, Санталат Аъзамова, Фарида Ҳакимова, Ойша Гулмонова сингари аёллар кечасию-кундузи меҳнат қилишарди. Бригадада бор-йўғи иккита от-арава, бир жуфт ҳўкиз бор эди. Асосий қурол омоч ва кетмон ҳисобланарди. Ерни бир сидра қизил кетмон қилиб кетидан омоч солинарди. Бригадамиз планни 120—130 процентга етказиб бажарарди.

Умуман, Улуғ Ватан уруши йилларида бу бригадагина эмас, колхознинг Зокир Зойитов, Неъмат Юнусов, Зойит Мирсолиҳов, Рихси Тўраев, Абдулла Мирзаахмедов бошлиқ бригадаларда ҳам иш қизғин бўлган. Колхозчилар Улуғ Ватан уруши йилларида айниқса Мирза Бобоев бошлиқ бригада аъзолари ҳаммага намуна кўрсатиб меҳнат қилганлигини ҳали-ҳали хотирлайдилар.

Уша йиллари колхознинг 10-боғдорчилик бригадаси донг таратди. Бу бригадага 1952 йилгача Рустам Тошмуҳамедов раҳбарлик қилди. Бригадада ҳар гектаридан 8—10 тоннага етказиб узум, олма олинарди. Колхознинг шаҳар жойларида 25 га яқин магазини бўлиб, пландан ташқари олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ана шу дўконлар орқали аҳолига сотиларди.

Колхознинг Азиз Аъзамов бригадасида Ғани Йўлдошев деган деҳқон бор. Уни колхозчилар ҳозир ҳам «Комсомол» деб чақиришади. Бу номнинг келиб чиқиш тарихи бор.

—Бу ном, — деди колхоз партия ташкилотининг секретари Мансур Содиқов, — Улуғ Ватан уруши йилларидан ёдгорлик бўлиб қолган. Узингизга маълум катта ёшдаги эркакларнинг кўпчилиги армияга кетиб қолгач, уларнинг ўрнини аёллар ва комсомол ёшлар эгаллади. Ғани Йўлдошев уруш йилларида айниқса ғайрат кўрсатган комсомоллардан ҳисобланади. Улар кўпчилик эди. Рафу Музаффаров, Диёр Далиев, Жўра Нишонов, Ҳожимурод Қулаҳмедов, Султонмаҳмуд Ҳикматов... Бригадир қийинроқ бир юмуш чиқиб қолса, дарроз, Ғанига мурожаат қилиб: «Комсомол, буёғига ўзинг бош бўл» дерди. Ғани бошлиқ комсомоллар топшириқни е кўнгилдагидек ўринлатар эдилар. Ана шунда улар баракалла, яша комсомол, деган миннатдорчилик сўзларини эшитардилар.

Республикамиздаги бошқа колхозлар қатори бу колхоз ҳам буюк Ғалабага муносиб ҳисса қўшди. Хусусан колхоз маблағи ҳисобидан танк колоннаси бунёд этиш учун 200 минг сўм тақдим этилди. Ана шунда Олий Бош қўмондон номидан колхозчилар номига раҳматнома келди. Уруш йилларининг охирида Бўзсув ГЭСидан колхозга биринчи марта электр қуввати келтирилди. Хонадонларда Ильич нури порлай бошлади. Ильич нури уйларни ҳам, дилларни ҳам чароғон қилди. Тезда Ғалаба тантаналари бошланиб кетди.

Н. РИХСИЕВ,
Калинин райони.

ХОТИРА

Бир дақиқа сукунат... Залдагилар немис фашизмига қарши курашда қаҳрамонларча ҳалок бўлган жангчилар хотираси учун Ўринларидан турдилар.

Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Елена Стемпковская ва Александр Соломатин хотирасига бағишланган кечага тўқимачилар маданият саройининг «Жасорат» клуби ва Е. Стемпковская номли 89-мактаб коллективлари алоҳида тайёргарлик кўрдилар. Кечага таширф буюрган қаҳрамонларнинг дўстлари, яқинлари улар тўғрисида қизиқарли ҳикоя қилиб бердилар.

...«Жасорат» клуби икки йил аввал Фрунзе ва Сергели районлари бирлашган ҳарбий комиссариати, Тошкент тўқимачилик комбинати жамоатчи ташкилотларининг ташаббуси билан ташкил этилган эди. Клуб ишида тўқимачилар маданият саройи ходимлари яқиндан ёрдам бериб келишмоқда.

Клуб ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Айниқса, уруш ветеранлари ёшлар орасида олиб бораётган пропаганда ва агитацил ишлари диққатга сазовордир. Ветеранлар орасида Берлинни штурм қилганлар ҳам, Москва ҳимоячилари — панфиловчилар ҳам, Сталинград мудофаасида қатнашган кишилар ҳам бор. Улар тез-тез ёшлар ҳузурида меҳмон бўлиб, ўз жанговар ҳаётлари тўғрисида ҳикоя қилиб берадилар.

«Жасорат» клубининг ўз штаби ҳам бор. В. М. Кружков клуб командиридир. Запасдаги полковник В. И. Коковалов — комиссар, Г. В. Родзевич эса штаб бошлиғи вазифасини ўтайди. «Жасорат» клубининг кўпчилик аъзолари революция, гражданлар уруши, Улуғ Ватан уруши жангларида тобланган кишилар бўлганлари учун ҳам ёшлар уларнинг ҳикояларини мароқ билан тинглайдилар.

Яқинда клубга «Изланиш» ёшлар группаси аъзо бўлиб кирди. Бу группа уруш йилларидаги ҳужжатларни тўплаш билан шуғулланади. Шунингдек, янги йилдан «Аланга» кинолекторнйси ҳам иш бошлади. Кинолекторнй қатнашчилари шу пайтгача Сталинград мудофааси, Орёл—Курск ёнидаги жанглар, Берлинни штурм қилиш тўғрисида лекциялар тингладилар, кинофильмлар томоша қилдилар.

Шу кунларда клуб Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз флоти кунини муносиб кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

Т. СИРОТИНА.

КИНО — ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Яқинда Тошкент область кино ходимларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ўтган йилги ишларга якун ясалди ва бу йилги режалар белгилаб олинди. Шу муносабат билан «Тошкент ҳақиқати» газетаси мухбири область ижроия комитети кинолаштириш бошқармаси бошлиғи Урток Борис Аҳмаджонович Кайпновга бир неча саволлар билан мурожаат этди.

— Урток Кайпнов, меҳнаткашларга кино кўрсатиш хизматини яхшилаш бўйича қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Утган йили биз республикамиз меҳнаткашларининг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун кино кўрсатиш хизматини яхшилаш борасида кўпгина тадбирларни амалга оширдик. Йил бошидаёқ область ижроия комитети аҳолига кино кўрсатиш хизматини алоҳида кўриб чиқди ва юбилей йилидаги вазифаларни белгилаб берди.

Республика кинематография Давлат комитети томонидан маъқулланган, область йиғилишида қабул қилинган социалистик мажбуриятга кўра, область кино тармоғимиз давлатга пландан ташқари 60 минг сўмлик фойда келтириши ва қўшимча 250 минг тамошабинга хизмат кўрсатиши лозим эди. Кинохизматчиларимиз бу мажбуриятни ортиғи билан бажардилар. Пландан ташқари 295,3 минг кишига хизмат қилинди ва пландагига қараганда 12600 дан ортиқ сеанс ўтказилди.

Албатта, бу ютуқлар янги-янги тадбирларни амалга ошириш туфайли қўлга киритилди. Жумладан, СССР ва социалистик мамлакатлар ҳаётидаги энг муҳим воқеаларга бағишланган 12 та кинофестиваль ва болалар учун алоҳида «Биз ватанпарвар-интернационалистлармиз» шиори остида кинофестиваль ташкил этилди. Ўзбекистон эллик йиллиги мавзуидаги кўрсатувлар мунтазам равишда олиб борилди. Пахтакорларга чигит экиш ва пахта теришмавсумларида кўчма киноқурилмалар орқали фильм кўрсатиш яхши йўлга қўйилди.

Кўпгина районларда аҳоли қишлоқнинг эътиборга олиб, фильм олдидан ҳар хил учрашувлар ташкил этишга аҳамият берилди. Масалан, Чирчиқ шаҳридаги Алишер Навоий номли, «Октябрь» кинотеатрларида ҳозир ҳам киносеанс олдидан ажойиб учрашувлар бўлиб турибди. Чирчиқлик тамошабинлар 1974 йилда Владислав Дворжецкий, Кирилл Лавров, Лидия Смирнова, Людмила Чурсина Ўлмас Алихўжаев каби машҳур киноактерлар, таниқли режиссёрлар билан учрашдилар.

Шуни қайд этиш керакки, план ва мажбуриятни ортиғи билан уддалашда Оққўрғон, Бўстонлиқ, Юқори Чирчиқ, Бўка, Калинин, Оржоникидзе, Пискент, Янгийўл районлари ва Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари кинохизматчилари катта ҳисса қўшдилар.

— Ҳар бир соҳанинг моҳир усталари, беш йиллик планни тўрт йилда бажараётган меҳнат илғорлари бор. Шулар ҳақида тўхталсангиз?— Кўп йиллардан буён севимли касбига меҳр қўйиб келаётган кинолаштириш ветеранлари, беш йиллик шахсий планини тўрт йилда бажарган илғорлар бизда анчагина. Бўстонлиқ район кинодирекцияси техноруги Николай Ильченко, Оққўрғон район кинодирекцияси киномеханиклари Мамат қул Олдонов, Ҳасан Чимиров, Чуат Алимов, Оржоникидзе район кинодирекцияси шофёр-киномеханиги Юрий Дмитриев, Олмалиқ шаҳар кинодирекцияси катта киномеханиги Тамара Буқлар шулар жумласидан.

— Областимизда кинотеатрлар қуриш ва уларни кадрлар билан таъминлаш масаласи қандай ҳал этилаяпти?

— Биз бу соҳада ўтган йили анчагина ютуқларга эришдик. Зафар ва Пахта посёлкаларида 300 ўринлик кенг экранли кинотеатр, Чирчиқ шаҳрида 600 ўринлик кенг форматли кинотеатр ишга туширилди. Давлат комитети фондидан кинотармоғимизга 17 комплект энг янги аппарат, 4700 ўринлик кўтарма театр креслолари, ўнта кўчма киноқурилма учун махсус автомашина ва бошқа асбоб-ускуналар берилди. Фақат кинохизматчиларимизнинг ўз кучи билан 20 киноқурилма кенг экранли фильмлар кўрсатиш учун қайтадан жиҳозланди. Кинолаштириш бошқармаси томонидан 15 та янги киноқурилма очилди.

Ҳозирги пайтда Давлат банки ссудаси ҳисобидан Ангрен шаҳрида 800 ўринлик кенгформатли, Бектемир посёлкасида 300 ўринлик, Бекобод шаҳрида 400 ўринлик кенгэкранли кинотеатрлар қурилиши давом этмоқда. 1974 йилда 106 та киномеханик ва ёрдамчи киномеханик кадрлар тайёрланди.

— Энди область кинотармоғининг ғалдаги вазифалари ҳамда кинолаштириш бошқармасининг режалари хусусида ҳам икки оғиз гапириб берсангиз?

— Маълумки, бу йил беш йилликнинг якунловчи йили! КПСС тарихий XXIV съезди қарорларини амалга ошириб, жонажон партиямизнинг навбатдаги съездини ажойиб ютуқлар билан қарши олмоғимиз керак. Шунинг учун биз нинг кино тармоғимиз коллективлари ҳозирдан бошлаб аҳолига кино кўрсатиш хизматини янада яхшилашга бутун эътиборини қаратганлар.

Яқинда яйловлардаги чўпонларга хизмат кўрсатиш учун кўчма киноқурилмалар жўнатилди. Буюк ғалабанинг 30 йиллиги олдидан Улуғ Ватан уруши ҳақидаги бадиий ҳамда ҳужжатли фильмларни мунтазам равишда намойиш этиш ниятида кинофестивалларр ўтказишга қарор қилдик. Умуман бу йил кино тармоғимиз 14585 минг тамошабинга хизмат кўрсатишни планлаштирган. Бунинг учун жойларда ўз шароитларига қараб кўпгина тадбирлар белгиланди. Ўйлаймизки кинохизматчиларимиз ўз зиммаларидаги план топшириқларини шараф билан бажарадилар. Партиямиз XXV съезди ёруғ юз билан кутиб оладилар.

ВАТАН СОЛДАТЛАРИГА БАҒИШЛАНАДИ

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти кунига, Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг 30 йиллигига бағишланган кинофестиваль Тошкент округ офицерлари уйида «Ватан посбонлигида» деган фильмни намойиш қилиш билан бошланди. Кинофестивалнинг программасига кўра бир турқум кино оқшомлари ўтказиш мўлжалланади, буларда совет Қуроллн кучларининг ветеранлари ёш жангчиларга ўз хотираларини сўзлаб берадилар.

(ЎзТАГ).

ЁЗУВЧИЛАР ЖАНГЧИЛАР МЕҲМОНИ

В. И. Ленин номли Тошкент Олий умумқўшин командирлари билим юртининг курсантлари ҳузурига Ўзбекистоннинг бир гуруҳ ёзувчилари — Улуғ Ватан урушининг иштирокчилари меҳмон бўлиб келишди. Адиблар туркистонлик жангчиларнинг кўрсатган қаҳрамонликлари тўғрисидаги ўз асарларини ўқиб бердилар, ижодий режаларини сўзлаб бердилар. Ҳозир бўлганлар ҳарбий билим юртининг собиқ курсанти, шу мактабни 1942 йилда тамомлагандан кейин ватанни ҳимоя қилгани фронтга жўнаб кетган ёзувчи Мумтоз Муҳамедовнинг сўзларини диққат-эътибор билан тингладилар. (ЎзТАГ).

ИЛҒОР УСУЛ АСОСИДА

Эшмурод Йўлдошев — «Средазтрансстрой»га қарашли 209-қурилиш бошқармасининг илғор бинокори. Ленин район «Ҳурмат тахтаси»даги илғорлар сафидан сурати тушмайди. Ундан ортиқ шогирдлари бор.

Бригада коллективи 1972 йилда москвалик қурувчи Злобин методи асосида ишлашга ўтиб, ҳар йили 24 мингдан зиёд ғишт, 50 куб бетон қоришма, 4 тоннадан зиёд цемент, 10 куб тахта ва бошқа қурилиш материалларини иқтисод қилди. Тўққизинчи беш йилликни муддатидан олдин бажариб, ҳозир 1976 йил ҳисобига ишламоқда.

Эшмурод Йўлдошев 1951 йилда ҳунар-техника билим юртини тугатиб, тўғри қурилишга борди. Уни Андрей Давидов етакчилик қилаётган бригадага қабул қилишди. Бригадир Эшмуродга қурувчилик касбини ўргатди. Эшмуроднинг ташкилотчилиги, меҳнатсеварлиги коллективга маъқул тушди, тез кунда бригадага етакчи қилиб тайинланди.

Ҳозир Эшмурод Йўлдошев коллективнинг пешқадам бригадаларидан бирига бошлиқ. Унинг номини трест бунёдкорлари фахр билан тилга олишади. Чунки фидокор йигит доимо янгилик сари интилади. Улар Манжара кўчасида 26, 43 ўринли турар-жой, темир йўл техникуми учун 2 та 600 ўринли ётоқхона, Ленин районида 960 ўринли 154-мактаб, Ҳамза районида 960 ўринли 155-мактаб, Рисовая кўчасида 3 та 66 ўринли турар-жой биноларини фойдаланишга топширдилар.

Коллективда мураббийлик ҳаракати яхши йўлга қўйилган. Инсоф Рахимжонов, Асфандиёр Валиевлар Эрпўлат Абдурахмонов, Абдурасул Зокиров ва Ҳасан Ботиров каби ёшларга мураббийлик қилишди. Улар устозлар ёрдамида тез орада пешқадам қурувчилар сафидан ўрин олиб, кунлик нормасини 1,5—2 ҳисса ошириб бажаришяпти.

Партия ва ҳукуматимиз илғор бригада бошлиғи Эшмурод Йўлдошевнинг меҳнатларини муносиб тақдирлаб уни юксак мукофот — Ленин ордени билан тақдирлади. Бригада коллективи ҳозир 1976 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Улар шу кунларда вокзал қаршисида бунёд этилаётган темир йўл бўлимига қарашли маъмурий бино қурилишида ишлашяпти.

М. ҚОДИРОВ.

ЎТГАН йили Исмат Масалиев бошлиқ бригада аъзолари 466 ўринга 510 тонна сабзавот топшириб, Бўстонлиқ районидаги «Ленинград» колхозида пешқадамлик қилди. Сабзавоткорларнинг беш йилликни якунловчи йилидаги режалари яна ҳам улкан. Улар 700 тоннага яқин сабзавот топшириш учун курашишмоқда. Суратда: (чапдан) илғор колхозчилардан Н. Расулов У. Шоҳўжаева, Н. Мавлонова, М. Миралиевалар пар никдаги кўчатларни парвариш қилишмоқда.

И. Портнов фотоси.

Жаҳон янгиликлари

ПОЛЬША БИРЛАШГАН ИШЧИ ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ МАЖЛИСИ

ВАРШАВА, 19 февраль. (ТАСС). Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси ўзининг кечаги мажлисида гитлер фашизми устидан қозонилган ғалабанинг 30 йиллиги муносабати билан қарор қабул қилди.

ПБИП Марказий Комитети Сиёсий Бюроси билан ҳукумат президиуми, шунингдек бу йил январь ойида халқ хўжалик топшириқлари қандай бажарилганлигини қараб чиқди.

Эълон қилинган ахборотда айтиладики, эришилган натижалар мамлакат экономикаси шу йилнинг планини амалга оширишга муваффақият билан киришилганлигини кўрсатмоқда. Саноат ишлаб чиқариши ва қурилиш ишларининг ўсиши буни кўрсатиб турибди. Ички ва ташқи савдо обороти кенгайди. Транспорт соҳасидаги топшириқлар ҳам бажарилди. Утган ойнинг яхши якунлари хўжаликларнинг бу йилги қийин вазифаларни бажаришга яхши тайёргарлик кўрганлигининг, шунингдек меҳнаткашлар коллективларида ишлаб чиқариш ва жамоат активлиги кучайганлигининг натижасидир, деб ўқтириб ўтилади ахборотда.

ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

ЛОНДОН, 19 февраль. (ТАСС). Буюк Британия Коммунистик партиясининг Бош секретари Ж. Голланд Англия Бош министри Г. Вильсон совет раҳбарлари билан олиб борган музокаралар натижасида имзоланган муҳим сиёсий ҳужжатларни, табриклади.

Мен томонларнинг ўтказилган музокаралари Совет-Англия муносабатларида янги босқич бошлаб беради, деган фикрларига қўшиламан, деди у ТАСС мухбири билан суҳбатда.

Биз Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съездида эълон этилган кескинликни юмшатиш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш сиёсати инглиз халқининг туб манфаатларига мос бўлиб тушади, деб ҳамиша таъкидладик, деди Буюк Британия Компартиясининг Бош секретари. Визит якунлари бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ҳозир биз, деб таъкидлади, Ж. Голланд, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш муваффақиятли тугашига эришмоғимиз лозим. У Англия-Совет ҳамкорлиги бутун инсониятга фойда келтиради, деб умид билдирди.

Буларнинг ҳаммаси, деди Ж. Голланд фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 30 йиллигини байрам қилиш арафасидаги яхши нишоналардир. Шу урушда мамлакатларимиз иттифоқдош бўлган эдилар. Улар ҳозир жаҳон дуч келаётган проблемаларни ҳал этишда ҳам ҳамкорлик қилаверсинлар.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ. В. И. Ленин номли «Шкода» машинасозлик комбинатида электровозларнинг янги нусхаси синовдан ўтказила бошланди. Совет Иттифоқи буюртмасига асосан қурилган бу электровоз двигателининг қуввати 10,8 минг от кучига тенг бўлиб, соатига 200 километр тезликда юрааолади.

ЧТК—ТАСС фотоси.

КОНГРЕСС ҚАРОРИ ТАНҚИД ҚИЛИНМОҚДА

ВАШИНГТОН, 19 февраль. (ТАСС). АҚШ савдо министри Ф. Дент Америка конгрессининг АҚШ экспорт-импорт банки томонидан Совет Иттифоқига кредит берилишини камситувчи даражада қўйиш тўғрисидаги қарорини танқид қилди.

У, Чикагода бўлиб ўтган матбуот конференциясида сўзга чиқиб, бу тадбир Қўшма Штатларнинг манфаатларига хилоф бўлиб чиқади, чунки совет заказлари камайганлиги туфайли Американинг қайта ишловчи саноатида иш билан банд бўлганларни камайтиради, деб айтди.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ДЕҲЛИ. «Ҳиндистоннинг ташқи сиёсати Жанубий Осиё кичик қитъасидаги барча давлатларнинг тенглиги, суверенитети ҳамда мустақиллиги ва территориал бутунлигини ҳурмат қилиш асосида шу райондаги мамлакатлар ўртасида тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик ва яхши қўшничилик муносабатларини таъминлашга қаратилгандир». Ташқи ишлар министри Я. Б. Чаван парламентда нутқ сўзлаб, ана шу гапларни айтди.

БОННН. Германия Коммунистик партияси раисининг ўринбосари Г. Готье бундай деди: кескинликни юмшатиш сиёсатини давом эттириш, сўнгги йилларда ГФР билан Европадаги социалистик мамлакатлар ўртасида тузилган шартнома ва битимларни изчиллик билан рўёбга чиқариш— Ғарбий Германия коммунистларининг асосий талабларидан биридир.

НЬЮ-ЙОРК. АҚШдаги етакчи тўқимачилик фирмаларидан бири «Спрингс миллс» фирмаси маъмурияти шимолий ва жанубий Каролина штатларида жойлашган ўзининг 20 корхонасидан 17 тасини яқин вақт ичида «вақтинча» ёпиб қўйишга мажбур бўлажагини эълон қилди.

* * *

Замонамизнинг атоқли рассоми Пабло Пикассо ижодининг мухлислари рассом 1918 йилда чизган «Арлекин скрипкаси билан» картинасини кўрадилар. Америка миллионерларидан бирининг хусусий коллекциясида узоқ вақт турган бу картинани Кливленд шаҳрининг музейи сотиб олди.

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО. Бразилия меҳнаткашларидан қариб 25 минг киши мамлакат тўқимачилик саноати бошидан кечираётган чуқур танглик натижасида ишсиз қолди.

АДДИС-АБЕБА. Африка бирлиги ташкилоти министрлар кенгашининг Аддис-Абебада ўтаётган сессияси Африкадаги собиқ Португалия мустамлакалари шу системага барҳам бераётганликларидан мамнун эканлигини изҳор этди. Сессия Африка бирлиги ташкилотининг аъзоси бўлган мамлакатларга Португалия билан дипломатия муносабатларини ўрнатишни тавсия этди.

(ТАСС, 19 февраль).

«ОЙ МАНЗАРАЛАРИ»ГА ҲУЖУМ

ВАРШАВА. Ҳалқ Польшасининг индустрия юраги — Юқори Силезиядаги ҳар квадрат километр тилла баҳосидаги ерлар ҳисобланади. Бу муболаға гап эмас. Катовице воеводлигида саноат чиқитларидан ҳосил бўлган тепаликлар 15 минг гектардан ошади. Бундай майдонда 400 минг кишилик аҳолиси бўлган шаҳар қурса бўлади. Бошқа бир проблема ҳам бор. Чиқит тепаликлардан атмосферани булғовчи зарарли моддалар доимо чиқиб туради.

Ҳозир Юқори Силезияда, бу ердагиларнинг таъбири билан айтганда мана шу «ой манзаралари»га қарши ҳақиқий ҳужум олиб борилмоқда. Кўп минг гектар ер, жумладан Катовице, Сосновец, Ҳожув каби саноат марказлари теварагидаги ерлар саноат чиқитлари ва тоғ жинслари уйилиб, ҳосил қилинган мана шу тепаликларда ҳали қилинди. Бўшалган майдонларнинг бир қисмида уйжой қурилмоқда, бир қисми янги сув омборлари ва парклларга ажратилмоқда.

(ТАСС, 19 ФЕВРАЛЬ).

ОММАВИЙЛИК ВА МАҲОРАТ УЧУН

Совет спортчиларининг улкан анжумани—СССР халқлари VI Спартакиадаси йили Янгийўл райони спортчилари учун ҳам жиддий синов йилидир. Оммавийлик ва маҳоратни шиор қилиб олган район физкультурачилари бу йил янги-янги марраларни кўзлашган. «Пахтакор» кўнгилли қишлоқ спорт жамияти район совети партия ва ҳукуматимизнинг «Мамлакатда физкультура ва спортнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари» ҳақидаги қарорини ҳаётга татбиқ этабориб, физкультура ва спортни янада оммавийлаштириш йўлида катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Сиҳат-саломатлик гарови бўлган физкультура ва спорт район меҳнаткашлари ҳаётига тобора чуқурроқ сингиб бормоқда. Ҳозирда районда 63 та физкультура коллективи бўлиб у ўз сафига 16 мингга яқин спортчини бирлаштирган. Улар ихтиёрида бир стадион, 14 та спорт зали, 65 та волейбол, 33 та баскетбол, 15 та футбол майдонлари ҳамда 5 та мерганлик тири бор. Район «Пахтакор» кўнгилли спорт жамияти маҳаллий партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ҳамкорлигида ўтган йили катта тадбирларни амалга оширди. Спортнинг кўплаб турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Бунда юзлаб спортчилар разряд нормативларини бажардилар. Қишлоқ спортчилари ва ўқувчилар спартакиадаларн, ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшлар ўртасида спортнинг техник турлари бўйича мусобақалар уюштирилди. Айниқса, физкультура ташкилотлари ГТО комплекси значочигига норма топшириш уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Районда жамоатчи инструкторлар ва спорт судьялари тайёрлашга ҳам жиддий эътибор берилмоқда.

Районда спортни оммавийлаштиришга Ҳамроқул Турсунқулов номли, Калинин номли колхозлар, Свердлов номли совхоз, Усмон Юсупов номли аграр саноат бирлашмаси, САИМЭ, «Октябрь» экспериментал ремонт-механика заводи, 1, 2, 7, 44, 45, 48 ва бошқа мактабларнинг коллективлари салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Спорт жонкуярлари ҳақида гап кетганда Калинин номли колхоз физкультура инструктори Л. Мирзаев, Усмон Юсупов номли аграр саноат бирлашмаси физкультура инструктори В. Умаров, Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз физкультура инструктори М. Зарифжонов, шунингдек спорт жонкуярларидан А. Вагизов, А. Аксаненко, В. Квятковский, жисмоний тарбия ўқитувчилари А. Мирзаев, Г. Силантьев, Г. Қосимов, Т. Акромовларнинг номларини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бу ташаббускорлар ҳар бир мусобақани юқори савияда ўтишга, ҳаваскорлар разряд нормативларини бажаришларига эришишга қаракат қиладилар.

Ана шу спорт жонкуярларининг машақкатли меҳнатлари туфайли район терма командалари область миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Утган йилги якунларга кўра миллий кураш ва эркин кураш спорти турлари бўйича янгийўлликлар биринчи совринли ўринларни эгаллашди. М. Манзулов, А. Мехридзе, В. Тодоров, М. Зарипжонов П. Эшиговлар мусобақадан мусобақага маҳоратини ошириш билан тажрибаларини ёшларга ўргатиб келмоқда.

Лекин районда физкультура ва спорт билан шуғулланувчилар сони бугунги кун талабига тўла жавоб беради деб бўлмайди. Район аҳолисининг 14,5 процентигина спортга жалб этилганлигини назарга оладиган бўлсак, бу кўрсаткич анча пастдир. Айниқса маҳаллий хотин-қизлар ўртасида спортни пропаганда қилиш иши талабга жавоб бермайди. Айрим колхозлар, ташкилот раҳбарлари меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, ёшларни жисмоний тарбияга жалб этишга юзаки қарамоқдалар. Райондаги 20 та физкультура коллективининг 14 тасигина ўз инструкторига эгадир. Лекин бу инструкторлар ўзларининг асосий вазифаларидан ташқари бошқа ишларга ҳам жалб этилмоқдаларки бу ҳол спортга етарли эътибор беришга ҳалақит бермоқда. Назарали Ниёзов номли колхозда эса ҳалигача физкультура инструктори йўқ. Спортга бош-қош бўладиган ташкилотчи бўлмаган жойда спорт ҳақида қандай гапсўз ҳам бўлиши мумкин?!

Номлари тилга олинган ана шу хўжаликларда жисмоний тарбияга жиддий эътибор берилганда район «Пахтакор» жамиятининг ўтган йили эришган ютуқлари янада салмоқли бўлган бўларди. Районда ўтган йили бир спортчи СССР спорт мастери нормативини бажарди. Уч ярим мингга яқин оммавий разрядли спортчилар тайёрланди. 15 мингдан зиёд йигит-қиз ГТО комплекси программаси асосида ўтказилган мусобақаларда иштирок этди. 1600 дан зиёд киши жамоатчи инструктор ва спорт судьяси гувоҳномасини олди.

Район спортчилари янги йилда янги-янги режаларни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Бу йил иккита мастерликка номзод, 600 га яқин 1, 2, 3 разрядли спортчилар, 3000 дан зиёд ёшлар разряди, 7 мингга яқин ГТО значкисти, кўплаб инструкторлар, судьялар тайёрлаш, 2 та футбол майдони, 7 та волейбол, 3 та баскетбол майдонларини қуришга аҳд қилишган. Районда спортчилар сонини 17 мингга етказиш мўлжалланган. Янгийўлликлар январь ойида стол теннриси, оғир атлетика, эркин кураш турлари бўйича ўтказилган область мусобақаларида қатнашиб совриндор ўринларни эгаллашди. Эркин курашчиларнинг республика биринчилигида М. Нуриев, М. Қосимов, А. Мехридзе, М. Манзуловлар область терма командаси сафида қатнашиб, кучлилар сафидан жой олишди. Ю. Цой оғир атлетикачилар мусобақасида иштирок этиб учинчи ўринни олди ва спорт мастерлигига номзод нормасини бажарди. Спартакиада йили янгийўлликлар учун қувончли бошланди.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ VI СПАРТАКИАДАСИ ОЛДИДАН

Урта Осиё темир йўли Тошкент бўлинмасининг «Хожикент» пансионати Ғарбий Тянь-Шань этакларида жойлашгандир. Бу ерда темир йўлчилар бўш вақтларида ҳордиқ чиқарадилар.

Утган йили ўтказилган республика конкурсида бу пансионат биринчи ўринни олди ва касаба союзлари республика Советининг дипломи билан мукофотланди. Суратда: «Хожикент» пансионатининг умумий кўриниши.

Р. Шамсутдинов фотоси, (ЎзТАГ).

◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆

«ПАХТАКОР»— ХАСКОВОДА

Тошкентнинг «Пахтакор» командаси футболчилари 1975 йилги спорт мавсумини болгариялик дўстлари ҳузурида бошлайдилар. Сочида ўқувмашқ йиғинлари ўтказиб бўлган ҳамшаҳарларимиз яқинда Хасково шаҳрига жўнаб кетдилар.

«Пахтакор» у ерда машғулотларни давом эттириб маҳаллий командалар билан ўртоқлик матчлари ўтказади.

ЁШЛАР КУРИГИ

Ўсмир ва қизлар ўртасида қўл тўпи бўйича Ўзбекистоннинг бу йилги биринчилиги Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтди. Биринчилик мусобақаларида кучли деган ном учун кўнгилли спорт жамиятлари марказий советлари ва ташкилотларнинг ёш спортчилари ўзаро баҳс юритдилар.

Совринли ўринлар тақдирини ҳал қилувчи финал матчларида «Меҳнат» ва «Буревестник» командалари ғалиблари учрашдилар. Иккала учрашувда ҳам «Буревестник» вакиллари ғолиб чиқишди. Қизлар 20:14, йигитлар 21:18 ҳисобида ўз рақибларини мағлубиятга учратиб, чемпион деган ном олишди. Иккинчи ўринни «Меҳнат», учинчи ўринни эса «Спартак» (қизлар) ва «Ёш куч» (ўсмирлар) командалари ишғол қилди.

ЧАНҒИЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Янгиобод тоғларида Урта Осиё кубоги программасидаги «Катта Чимён» совринн учун тоғ чанғичилари ўртасида ўтган республика мусобақалари ниҳоясига етди.

Бу мусобақаларда республикамиз кўнгилли спорт жамиятлари терма командалари ва тожикистонлик меҳмонлар иштирок этишди. Шахсий биринчиликда душанбелик А. Яков ғалаба қозонди. У махсус слалом, тезкор тушиш ва уч курашда биринчи бўлди. Тошкентлик динамочи А. Бугаев эса катта слаломда ғолиб деб топилди.

Янги шеърлар

ЖОНЛАНГАН ХАЁЛ

Уйда ўлтирардим ўй суриб дилгир,
Оқсоқ қаламимни қийноққа солиб.
Ногаҳон ортимдан келди-ю кимдир
Кўзимни беркитди қучоққа олиб,
Кўнглимга ёйилди баҳорий гилам;
Ҳаётбахш нафаси урилган заҳот...
Наҳот танимасам сени, жонгинам,
Қайноқ қучоғингни сезмасам наҳот?!

Момиқ қўлларингдан таралди ҳовур,
Қийқириб юборди қувончдан ҳиссим.
Расминг чизиб берди дарҳол тасаввур.
Едимга ёзилди нур ёққан исм...
Қийнамай кўзимни очақол энди,
Исмингни айтишим шартмикин, жоним,
Биламан-ку, ахир ким бўлар эди,
Хаёлингдан ўзга, Ўзбекистоним!

ҚЎЛИНГНИ ҚЎЙ, ҚЎЛИМГА

Қани, дўстим, қўлингни қўй қўлимга,
Кафтга кўчсин юракдаги тафтимиз.
Агар сен ҳам йўлдош бўлсанг йўлимга,
Кўнгилларни овлай олар гапимиз.
Қани, дўстим, қўлингни қўй қўлимга,
Бош бармоқ ҳам кўп керилмай бирлашсин.
Эрйигитов тик боққандай ўлимга,
Тик боқайлик, кўзлар сўзсиз сирлашсин.
Қани, дўстим, қўлингни қўй қўлимга,
Йўл бошида яхши тилак тилайлик.
Куйнима сен эрк бермасам тилимга,
Сукунатнинг тили ширин, тинглайлик.
Қани, дўстим, қўлингни қўй қўлимга,
Кутар бизни алвон-алвон уфқлар.
Оҳиста кир, кирмоқ бўлсанг кўнглимга,
Дилгинамда кўзи очиқ тонг ухлар.
Қани, дўстим, қўлингни қўй, қўлимга,
Ташна чўлга дарёдан тўн бичайлик.
Агар сен ҳам йўлдош бўлсанг йўлимга,
Юр, чанқоқман, диллардан сув ичайлик.
Қани, дўстим, қўлингни қўй, қўлимга...

Эргаш МУҲАМЕДОВ.

СОВҒА

Туғилган кунимни нишонламоқни,
Дўстгинам, ҳеч қачон севган эмасдим.
Истардим шу кунни сир сақламоқни,
Қутламай келсанг ҳам бир сўз демасдим.
Нетайин, ўтмишни эсламоқ учун,
Қилиб улгурмадим арзигулик иш.
Йўлларим бахт билан боғлиқдир бу кун,
Билмадим, кунларим — ўнгимми, ё туш!?
Қуёшдек сен келдинг тонг оғушида,
Қўлингда бор эди бир гўзал сурат:
Тоғларнинг жамоли кўринар унда,
Қуйида мавж урар дарёи хилват,
Учқур хаёлимни тортди ўзига.
Осмоннинг бир бўлак бағри-мусаффо.
Гўзаллик бахш этиб тасвир ҳуснига,
Ям-яшил дарахтлар силкинди гўё...
Қалбим интиқлигин сезибсан, жоним,
Тоғларни қўшққа солиб келибсан.
Кўп бўлди, тоғларга ета олмасдим,
Сен менга тоғларни олиб келибсан.

Шуҳрат УМАРОВ.

БОЙЛИК

Трамвайга чиқдим тонг чоғи, буткул
Диққатимни тортди ойнадаги нақш —
Дарз кетиб шишада ҳосил бўлган гул,
Ва унда турли ранг тушар эди рақс.
У гулда товланса гоҳо қизил ранг,
Гоҳо товланарди нимпушти, яшил...
Кўзларим қамашиб қарадим аранг,
У синиқ шишамас, олмос-ку асл...
Энди англаб етдим ўта қашшоқдир.
Зеб-зийнатда кўрса бойликни одам!
Кимки зийрак бўлса,
Кўрар жавоҳир —
Пиёда юрса ҳам, отда юрса ҳам.

Анвар ИМИНОВ.



Буюк Ғалабанинг 30 йиллиги арафасида кўплаб бадиий ва ҳужжатли адабиётлар китобхонлар эътиборига ҳавола қилиняпти. Областимиз китоб магазинларида ҳам таниқли ёзувчи ҳамда журналистларнинг Ватан уруши ҳақидаги асарлари харидорлар диққатини жалб қиляпти. Суратда: 1-китоб магазини сотувчиси М(Ҳикматова янги китобларни қабул қилиб олаяпти.

А. Тўраев фотоси.

„ЁШЛАР КЎЙЛАЙДИ ВА РАҚСГА ТУШАДИ"

Тошкентдаги Муқимий номли театрда бўладиган ана шу концерт ҳақида дарак берувчи афишалар томошабинларни театрга шу қадар жўшқин даъват этдики, бир неча кун ичидаёқ кассада биронта ҳам билет қолмади.

Шу куни кечқурун номлари кенг томошабинлар оммасига таниш бўлган артистлар ҳам, профессионал саҳнага дастлабки қадам қўйган ёшлар ҳам саҳнага чиқдилар.

Булар орасида Талъат Баҳромов ҳам бор эди. Тошкент консерваториясини яқиндагина битириб чиққан бу йигит Навоий номли опера ва балет театрида бир неча етакчи партияларни ижро этди; ҳозир эса «Евгений Онегин» операсида ўз маҳоратини намойиш қилишга тайёргарлик кўрмоқда. Тошкентдаги театр ва рассомчилик институтини яқинда тамомлаб чиққан Шуҳрат Расулевнинг ижодий репертуарида роллар кам эмас. Унинг номи замондошларимиз ҳақидаги «Туркман қизи», «Ўзкарлар», Гарсиа Лорканинг «Қонли тўй», «Нурхон» пьесаларининг афишаларида кўзга ташланади. Ш. Расулев Муқимий номли театр саҳнасида турли даврларнинг қаҳрамонларининг образларини яратди. Ажойиб артист Лутфихоним Саримсоқова ана шу театр саҳнасида Нурхоннинг жозибали ва қаҳрамонона образини яратган эди. Бу образ томошабинлар ёдида узоқ вақт сақланиб қолди. Бадиий ҳаваскорлар тўгарагидан профессионал саҳнага келган Дилором Сафоева бугунги кунда Нурхон «эстафета»сини қабул қилиб олди.

Республика пионерлар саройининг «Звездочка» болалар рақс ансамбли Тошкент маданият институтининг студенти, «Марҳабо, талантлар» республика конкурсининг ғолиби Гуля Ниёзбоевага санъат қучоғига йўлланма берди. Бухгалтер ва халқ хўжалиги институтида сиртдан ўқувчи студент ўзбек халқ рақсларнинг ижрочиси Еқут Салоҳова ҳам ана шу конкурсда ғолиб чиқди.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ МУЛЬТФИЛЬМ



«УЗБЕКФИЛЬМ» киностудияси янги «Пружинкул» лентасини суратга ола бошлади. Бу фильм устида режиссёр А. Акбарҳўжаев, сценарист Л. Бобохонов, рассом В. Гриднев, оператор А. Муҳаррамовлар иш олиб бормоқдалар. Суратда: шу фильмдан кадрлар.

Л. Глауберзон фотолари.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

УРТА ОСИЁ ЛОЙИҲА-МОНТАЖ ИШЛАРИ БОШҚАРМАСИ

ЗАМОНАВИЙ ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН ПРОГРАММИСТЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

МАШҒУЛОТЛАР — ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кечқурун ўтказилади.

КУРСЛАРГА: математика, иқтисод, кибернетика, электроника ва радиотехника мутахассислиги бўйича институт ва техникумларни тугаллаган, ёши 30 дан ошганлар бепул қабул қилинадилар.

Ўқишни тугатганлар доимий иш билан таъминланадилар ва биринчи етакчи категория бўйича меҳнат ҳақи оладилар.

МАШҒУЛОТЛАР—1 МАРТДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Чилонзор» массиви, Қирқкиз кўчаси, 21-уй, Телефон: 77-77-40.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.45— ТОШКЕНТ. 18.55 — Мультфильм. 19.05 — Ешлар ижоди. 19.40 — **«Ахборот».** 19.55 — Совет Ўзбекистони композиторлари. **Собир Бобоев.** 20.35 — Янги қаҳрамонлар ҳақида ҳикоялар. 20.45 — Бокс бўйича халқаро турнир (Москва). 21.30 — «Ота-оналар университети»нинг дала почтаси. 22.00 — **«Ахборот».** 22.20 — **Қилич ва қалқон** (2-серия). 24.00 — **«Вақт».** **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Ўқув кўрсатуви. 18.45 — МОСКВА. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Ешлар ижоди. 19.30 — Артлото. 20.45 — Қурилишда автотранспорт (Тошкент). 21.30 — Концерт. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — **Волейбол:** «Автомобилист» (Тошкент) — «Буревестник» (Ленинград). 19.30 — Телефильм. 20.10 — Эстрада шинавандалари, сизлар учун. 20.50 — Тошкент янгиликлари. 21.00 — Тошкент ва тошкентликлар. 21.35 — **Халқнинг содиқ ўғлонлари** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21ІІ да **Флория Тоска,** 22ІІ да **Травиата,** 23ІІ да **Доктор Айболит** (кундузи), **Рус кишилари** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21ІІ да **Чақмоқ,** 22ІІ да **Олтин девор,** 23ІІ да **Чақмоқ.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21ІІ да **Тоғ гўзали,** 22ІІ да **Туркман қизи,** 23ІІ да **Олифта** (кундузи), **Жоним фидо** (кечқурун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 21ІІ да **Трибунал** (17.00), 22ІІ да **Ҳар хонадонда байрам** (19.00), 23ІІ да **Трибунал** (12.00), **Ҳар хонадонда байрам** (17.00).

КИНО

Осмон қучоғидаман — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАПКА», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Улиш мавсум — «ҚОЗОҒИСТОН» (12.00, 13.00, 16.00, 17.00, 20.00), «ВОСТОК» (18.00, 21.00).

Ватан учун — «ВОСТОК» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (11.00, 15.00, 19.00, 21.00).

8-АВТОБУС ПАРКИГА

1, 2 класс шофёрлари ва автобус кондукторлари

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай.

Шунингдек, камида 5 йиллик иш тажрибасига эга бўлган 3 класс шофёрлари малака ошириш курсида ўқиш учун қабул қилинадилар. Уларга ҳар ойда 100 сўмдан стипендия берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй. Аҳолини ишга жойлаштириш Бюроси.

ҲАР ТЎҒРИДА

ТЕЛЕПЛАСТИНКА

Вашингтондаги лабораториялардан бирида телевизион кўрсатувларни фотопластинкага ёзишнинг ажойиб усулини топдилар. Бунда кўрсатувлар тасвирининг сигналлари лазер ёрдамида фотографик пластинкага «ёзилади». Бунда 12—17 катталикдаги пластинкага ўттиз минутлик кўрсатувни ёзиш мумкин.

ОЛЧА ҚИШЛОҒИ

Румнинада Киросоая (Бистрица округи) деган қишлоқ бор. Киросоая—олчазор қишлоқ, демак. Чиндан ҳам бу ерда олчазорлар жуда кўп. Бунинг сабаби шундаки, қишлоқда юз йилдан бери ажойиб анъана бор. Фарзанд кўрган онла унинг шарафига олча дарахти экиб қўяди.

МУРАККАБ ОПЕРАЦИЯ

Кливленддаги касалхоналардан бирида бир маймунинг бошини иккинчисига ўтказиш мақсадида қатор операциялар амалга оширилди. Сўнгги тажрибалар давомида кўчириб ўтказилган маймун боши бир ҳафта давомида ишлаб туришига эришилди. Бунда маймун ҳид билади, қулоғи эшитади, кўзи кўради, оғриқни сезади ҳамда ҳаракат қила олади. Бундай операциялар методикаси анча такомиллашганига қарамай, улар олти соат давом этади ҳамда 18 жарроҳ бу ишни амалга оширади.

ДУБ ҚУРИМАСИН ДЕБ

Лейпциг шаҳридан жануброқда Саксонияда энг катта дуб дарахти ўсади. Бундан нарироқда жойлашган кўмир шахталари борлиги туфайли шу жойнинг тупроқ ости сувлари қуриб қола бошлади. Улкан дубнинг ҳам қуриб қолиши аён эди. Уни қутқариш мақсадида маҳаллий аҳоли махсус водопровод қуришга қарор қилди.

ҚИТЪАЛАР ЮПҚАЛАШМОҚДА

Австрия геологи қузатувларига қараганда, қитъалар остидаги тупроқ қатлами тобора юпқаланиб бормоқда. Ҳар йили ёмғир ва сув таъсиридан Европада 840 миллион тонна тупроқ денгиз ва океанларга ювилиб оқиб турибди. Африкада эса бу миқдор 21 миллиард тоннани ташкил қилади. Планетамиздаги ҳамма қитъаларда эса ҳар йили тупроқ қатлами икки сантиметрга яқин юпқаланиб кетмоқда. Ўрмонлар кесилиб кетаётганлиги ва инсоннинг табиатга бошқа хил таъсири туфайли шундай бўлмоқда.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р. 02239. Ўзбекистон Компартияси, Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри. Индекс 64634 Б—2466.